

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ВА ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Рахимова Дилором Мансуровна

**ОЛТОЙ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИНИНГ АРХЕОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ**

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

5220200 – ТАРИХ

Марказий Осиё халқлари тарихи

Илмий раҳбар: стажёр-тадқиқотчи Жўраев Шерзод

Тошкент – 2011

Кириш.....	3-10
I боб. Олтой халқларининг тарихи ҳақида қисқача маълумот.....	11-43
1.1. Олтой кишилиқ маданияти тарихи (палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза).....	11-18
1.2. Ўрта асрларда Олтой (Уйғур хонлиги, Киданлар, Найманлар, Мўғуллар даврида).....	18-28
1.3. Олтой Рус давлати таркибида.....	28-43
II боб. Олтой тарихшунослиги.....	44-72
2.1. Олтой тарихи, археологияси ва этнографиясининг ўрганилиши ҳақида қисқача қайдлар.....	44-65
2.2. Совет даври ва Ғарб олимларининг Олтой тарихшунослигидаги фаолиятлари.....	66-72
Хулоса.....	73-74
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75-76

**Авестошуносликнинг XX аср охирларидаги ҳолатига танқидий
тарихшунослик баҳоси (Л.А. Лелеков илмий ижоди асосида)**

Режа:

Кириш

I Боб. XX аср охирларида Авестошуносликнинг ҳолати ва муаммолари

I.1. Авесто ва Зардуштийлик: асосий тушунчалар ва унинг ўрганилиши

I.2. XX аср охирларидаги тарихий адабиётларда Зардушт образининг талқини

II. Боб. XX аср охирларидаги Авестошуносликка танқидий баҳо ва қарашлар

II.1. Л.А. Лелековнинг Авестошуносликнинг XX асрдаги ҳолатига танқидий баҳоси

II.2. Авестони ўрганишдаги услублар ва қарашлар

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон цивилизацияси тарихини тиклаш, ўрганишда энг қадим даврлардан бизга етиб келган нодир намуналарнинг илмий ва амалий қиммати бекиёсдир. Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари, хусусан қадим Ҳоразм заминига оид ана шундай манбалардан бири саналмиш “Авесто” китобини қайта кашф қилиш шу жиҳати билан эътиборлидир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини киритгандан сўнг, ота-боболаримизнинг муқаддас анъаналарини қайта тиклаш ҳамда муқаддас китобларини қайтадан кашф эта бошладик. Шундай муқаддас ва азиз бўлган китоблардан бири бу “Авесто”дир. Бу ҳақда Президент И. Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шуни алоҳида қайд этган: “Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Ҳоразм воҳаси ҳудудида яратилган, “Авесто” деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутди. Авваламбор, шуни айтиш жоизки, олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб қўри маҳсули бўлмиш бу ноёб ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас осори атиқалар бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупроқда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради”¹. Зардўштийлик дини ва унинг муқаддас китоби ҳисобланмиш “Авесто” ўрганиш нафақат тарихимиздаги ўчиб кетган саҳифаларимизни балки, ўтмишда яшаган ота-боболаримиз турмуш тарзи, миллий мафкуравий ғоялари ҳақида ҳам кўпгина ибратли ва қимматли малумотлар беради. Бу билан Ўзбекистоннинг келажак авлодини тарбиялашда асосий қуролга айлантиришимиз ҳам мумкин. Президент И.А.Каримов “Ана шундай тарихий ёдгорлик намуналари билан яқиндан танишар эканмиз, уларда ифода этилган теран фикр ва ғоялар, ҳаёт

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – Б. 31.

фаласафаси бизни бугун ҳам хайратда қолдиришига яна бир карра амин бўламиз”, – деб таъкидлаганида нақадар ҳақ эди².

Мисол учун, “Авесто”нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устивор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир.

“Авесто”да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг рухий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилгани кўп нарсани англатади. Бу ҳолат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф-муҳит қадим замонлардан буён қандай кучли таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборимизни жалб қилади”³.

“Авесто”ни ўрганишга бағишланган асарлар, тадқиқотларни таҳлил қилиш ҳозирда долзарб бўлган масалалардан бири ҳисобланади. Чунки асл “Авесто” матнларини тиклаш, ўқиш ва мазмун моҳиятини таҳлил борасида жаҳонда кўпгина ишлар қилинди. Шундай тадқиқотлардан бири бу рус авестошуноси Л. А. Лелековнинг тадқиқотлари Ўзбекистон тарихини қадимги тарихи учун муҳим хулосалар яратиб беради.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Ушбу тадқиқот жараёнида XX аср охиридаги авестошуносликнинг ҳолатига авестолог олим Л.А. Лелековнинг танқидий баҳосини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш кўзда тутилган. Бунга эришиш учун қуйидагилар мақсад қилиб қўйилган:

- Қадимдан то XX аср охирларигача бўлган даврда авестошуносликка оид тадқиқот, асарларни тадқиқ этиш;
- XX аср охирларидаги авестошунослик ҳолати, моҳияти ва тараққиёти босқичларини таҳлил қилиш;

² Ўша асар. – Б. 32.

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: “Маънавият”, 2008. – Б. 31-32.

- Зардўшт ва унинг шахсини XX аср охирларидаги авестошуносликни таҳлил қилган Л. А. Лелековнинг танқидий баҳоси асосида таҳлил қилиш;
- “Авесто” матнларини ўқишда Л.А. Лелековнинг тажрибаси ва авестошуносликдаги услуб ва тавсияларини ўрганиш ва умумий хулосалар чиқариш;

Тадқиқотнинг даврий чегараси. XX аср охирларида авестошуносликнинг ўзига хос давр бўлиб, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Л.А. Лелековнинг “Авесто”ни ўрганган тадқиқотларни чуқур тадқиқотларга танқидий баҳоси билан характерланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва манбавий асоси. Аслида авестошунослик китоб яратилган кезлардаёқ бошланган. Чунки ўқиш ва кироат давомида “Авесто” нинг алоҳида фарғардларини, қийин сўз ва атамаларни тафсирлаш, шарҳлаб бориш ибодат пайтларида расм бўлган. Александр Македонский “Авесто”нинг бир нусҳасини юнон тилига таржима⁴ қилиб олиб, асл матнни куйдиргач, сосоний ҳукмдорлар уни қайта тиклашга киришар экан, йўл-йўлакай унинг яратилиши тарихи, зардўштийлик динининг моҳиятини текшириш ҳам бошланади. Натижада пахлавий тилида “Зенд Авесто”, “Бундахишиш”, Авесто”нинг у ёки бу даражадаги қиммати, ундаги воқеалар баёнининг шарҳига оид дастлабки фикрлар улуг аждодларимиз томонидан минг йиллар олдин айтилганилиги, хусусан, Беруний асарларида ҳам тилга олинганлиги диққатни тортади.

Дунёда янги динларни инсонларни инсонларга етказувчи, ижтимоий-маданий ҳаётда ва тарихда ўчмас из қолдирган сиймолар кўп бўлган. Шулардан Зардўшт бўлса, унинг муқаддас китоби “Авесто”ни тадқиқи Леонид Аркадьевич Лелеков – 1934 йилда туғилиб 1988 йилда вафот этган. Тарих фанлари доктори Д.С. Раевскийнинг у ҳақда қуйидаги фикрлари мавжуд: “унинг тақдири ҳеч бир тақдирларга ўхшамайди. Унинг узок бўлмаган ва жудда оддий ҳаёти эҳтимол бахтли кишилардек яшамаган

⁴ Қаранг: Умарзода Мухсин. “Авесто” сирлари – Б. 196.

бўлиши мумкин. Аммо унинг иккита севимли иши бор эди. Ўз ақлини, ўз вақтини, ўз кўнглини шу севимли ишларига бағишлаган. Биринчиси, бадий ёдгорликларни ўрганиш, тадқиқ қилиш ва тиклаш ишларига бағишлаган бўлса, иккинчиси ҳинд-европа халқларини, жумладан, эроншунослик бўйича ўз тадқиқотларини олиб борди. Булар унинг хоббиси эди”⁵.

Л.А. Лелеков ўзининг “Авесто” китоби ва зардўштийлик динининг тараққиёти босқичига бағишланган асарида, “Авесто”нинг пайдо бўлиши, географияси ва унинг тарихий-маданий интерпретацияси ҳақида фикр юритади. Шунингдек, дунё олимларининг зардўштийлик дини ва “Авесто”га бағишланган тадқиқотлари таҳлили қилинади, аммо зардўштийликнинг протозардўштийлик даври масаласи, диннинг дастлабки оташпарастлик асосидан ажралиб чиқиб, расмий дин тусига кирган даври ўрганилмаган⁶.

Л. Лелековнинг тадқиқотлари бошқа тадқиқотлардан фарқли томони шуки, муаллиф зардўштийликнинг пайдо бўлишидан замонамизгача бўлган тарихийни тадрижий тарзда таҳлил этган. Қайси минтақада шу эътиқоддаги қанча аҳоли яшаши ва у мамлакатда “Авесто” ва зардўштийлик дини тарихига оид чоп этилган манбалар ва адабиётлар ҳақиқда, “Авесто”ни ўрганишга бағишланган халқаро анжуманлар, тадқиқотлар хусусида маълумот берган. Нафақат маълумот берган, балки ушбу адабиётларни чуқур ўрганиб илмий хулосалар чиқарган ва таҳлил қилиб бера олган. Афсуски, шундай катта тадқиқотда “Зардўштнинг ватани Шарқий Эрон бўлиши керак”, деган нотўри тахминий гап мавжуд. Ваҳоланки, “Авесто”даги далиллар Зардўштнинг ватани Мовароуннаҳр эканлигини тасдиқлайди.

Шу ўринда Мустақил Ўзбекистондаги авестошунослик тарихига ҳам бир назар солиб кўрсак. “Авесто”нинг яратилганига 2700 йил тўлиши

⁵ Қаранг: Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 3.

⁶ Лелеков Л.А. К истолкованию погребального обряда в Тагискене // Сов. Этнография. 1972, 1. – 128-131; ўша муаллиф. К оценке исторических судеб зороастризма в Средней Азии I тыс. до. н. э. // Тез.докл.сессии, посвященной итогам полевых археологических исследований 1972 г., в СССР. Ташкент, ИА. АН УзССР, 1973. – С. 114-116; ўша муаллиф. Отражение некоторых мифологических воззрений в архитектуре восточноиранских народов в первое половине I тыс. до. н.э. // История и культура народов Средней Азии. – М., 1976. – С. 7-18; ўша муаллиф. Современное состояние и тенденции зарубежной авестологии // Народы Азии и Африки. 1978, 1. – С. 208-213; ўша муаллиф. Вопросы истории Бактрии в свете данных Михр-Яшта // Информ. Бюлл. МАИКЦА. Вып.3. – М.: Наука, 1982. – С. 35-41.

муносабати билан М. Усмонов, А. Саъдуллаев, И. Жабборов, Э. Ртвеладзе, А. Аскаров ва бошқа тарихчи, шарқшунос, этнограф, археолог олимларнинг мақолалари эълон қилинди. Доцент Т. Каримовнинг “Авесто” изидан китоби эссе характерида бўлиб, кўпроқ Толстов ва бошқа олимларнинг китобларидаги далиллар асосида битилган. Профессорлар Ҳ. Бобоев ҳамда С. Ҳасановларнинг “Авесто” маънавиятимиз сарчашмаси” китоби олти фаслдан иборат бўлиб уларда кўпроқ китобнинг маърифий-ҳуқуий аҳамияти батафсил баён қилинган. Муаллифлар китобни ёзишда асосан Б. Ғофуров, И. Жабборов, А. Березиков, Ф. Сулаймонова, А. Макавелский, М. Имомназаров, Мэри Бойс, А. Ирисов, Н. Маллаев тадқиқотларига ҳамда “Авесто”нинг “Тулистон” журналида эълон қилинган парчаларига суянган. Фақат русча манбаларга суянилгани учун кўпгина атама ва номларнинг ёзилшида жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, “Спитамон” – Спийтмон”, “маздопарастлик” – оташпарастлик”, “Ахурамазда” – Ахура-Мазда , “Дуғдова” – Дуғдуга”, “Динкард” – Дикард”, “Бундахшин” – Бундахиши” тарзида хато ёзилган. Шунга қарамай “Авесто”маънавиятимиз сарчашмаси рисоласи юбилейга энг кўҳлик тортиқ бўлган.

Маъмун академияси томонидан чоп этирилган “Хоразмнинг қадимги чорвачилиги ва “Авесто” деб номланган китоб киши эътиборини алоҳида жалб этади.. Зероки, муаллифлар Б. Абдуниёзов ҳамда А. Аҳмедовлар рисолада, бир томондан, “Авесто”нинг моҳиятини мухтасар шарҳлагач, қадимги Хоразм қишлоқ хўжалигини хусусан, чорвачилигини батафсил ёритган. Иккинчи томондан эса милoddан олдинги замонларда бобил, яхудийликлар, финикия, араблар, ҳиндлар, хитойлар, мисрликлар, шумерлар, скифлардаги чорвачилик ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади. Бундан ташқари ибодатхоналар ҳузуридаги чорвачилик, хоразм аҳолиси орасида чорвачилик билан боғлиқ удумлар ҳақидаги мулоҳазалар ҳам ғоятда мароқлидир. Рисоладаги далил ва уларнинг таҳмил асосида чиқарилган хулосалари кишини мамнун этади.

Маълумки, “Авесто”да учрайдиган кўп удум ва маросимлар ё айнан, ёки баъзи бир ўзгаришлар билан халқимиз орасида давом этиб келмоқда. Тарих фанлари доктори А. Ашировнинг “Авесто”дан мерос маросимлари” китобида Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида анъана сифатида давом этиб келаётган маросимлар ҳақида анча изчил фикр юритилган, кўплаб янги далил келтирилган. Ёдгорлик юбилейи куни кўҳна Хивада “Авесто” ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман арафасида 30 дан зиёд маърузаларнинг ўзбек, рус ҳамда инглиз тилларидаги тезислари алоҳида китоб сифатида чоп этилиб тарқитилди.

Тадқиқотнинг назарий услубий асослари. Мавзуни ўрганиш жараёнида тадқиқотчи томонидан янгича фикрлаш, ҳамда илмий тафаккурнинг умумбашарий тамойилларига, бўлиб ўтган воқеаларни ўзаро диалектик алоқадорликда деб қарашга асосланилди. Мавзуни ёритишда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига, миллий мафкура нуқтаи назаридан ёндошишга алоҳида эътибор қаратилди. Тадқиқотда тарихийлик, хронологик узвийлик, тарихий-қиёсий таҳлил методларига амал қилинди. Этник ҳолатга оид хулосалар беришда кўпроқ конструктивизм методидан келиб чиқилди. Инсоният тарихини ўрганишда муҳим ҳисобланган тарихий-фалсафий қарашлар ва услубларга ҳам жиддий эътибор берилди. Ушбу тадқиқотни ёритишда Президент И.А. Каримов асарлари⁷, нутқ ва маърузаларида таъкидланган, илгари сурилган фикр ва ғоялар асосида хулосалар чиқаришга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидаги ҳолатлар билан асосланади:

- XX аср охирларигача бўлган авестошунослик ҳолати, моҳияти ва тараққиёти босқичлари авестолог Л. А. Лелековнинг танкидий баҳоси

⁷ Êaðeñîâ È. À. ¼ááâeñîîí XXI áñð áçñàràñeââ: ðàâññeçeeêâ òàæeâ, áàðkaðîðeêê øaððeâðe áâ òaðàkke, ò êâîñîñîeâðe. – Õ.: ¼ááâeñîîí, 1997. – 326 á.; Êaðeñîâ È.À. Õàððeêe òîeððàñeç êââæeê eçk. – Õ.: Õàðk, 1998. – 31 á.; Karimov I. Yuksak ma'naviyat vengilmas kuch. – T.: Ma'naviyat. 2008. – 176 b.

асосида тадқиқ этилди. Тадқиқотнинг илмий янгилиги аввал маълум бўлган авестонинг ўрганишга бағишланган тарихий адабиётлар ва манбаларга, улардаги маълумотларга янгича ёндошиш ва шунингдек, янги манбалар ва маълумотларни илмий муомалага киритиш билан изоҳланади.

- Тадқиқотда авестошунослик нуқтаи назаридан Л. А. Лелековнинг тадқиқотлари Ўзбекистон тарихида ҳам биринчи марта ўрганилди. Шу кунгача маълум тадқиқотларда Л.А. Лелековнинг тадқиқотларини ўрганишга эътибор қаратилмаган эди. Мазкур тадқиқотда эса, Л. А. Лелековнинг Зардўшт шахси ва “Авесто” матнларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларни таҳлили ва танқидий баҳоси ҳамда умумий хулосаларига ҳам эътибор қаратилди. Чунки бу ҳозирда Ўзбекистондаги тадқиқотларда бу масалаларга камроқ эътибор берилмоқда.

- Тадқиқот натижасида чиқарилган илмий хулосалардан келиб чиқиб, Авестошуносликнинг XX аср охирларидаги тадқиқот ва адабиётларига танқидий баҳо берилди. Улардаги маълумотлар асосида шу давр Жаҳон миқёсидаги авестошунослик жараёнларининг тарихи берилишига эришилди. Л. А. Лелеков тадқиқотларининг маълумотлари асосида Ўзбекистон халқларининг қадимги тарихига оид хулосалар қилишда миллий ғоя тамойилларидан келиб чиқиб иш кўрилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалар бугунги кунда авестошунослик масалаларнинг англаниши не чоғли аҳамиятли эканлиги аниқлашга ёрдам беради. Тадқиқот материалларидан Ўзбекистон ва Жаҳон тарихига оид ўқув, услубий қўлланмалар ва бошқа асарлар яратиш ҳамда илмий-назарий конференциялар ўтказишда, махсус курслар ўқишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг таркиби. тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 44 саҳифадан иборат.

I Боб. XX аср охирларида Авестошуносликнинг ҳолати ва муаммолари

I.1. Авесто ва Зардуштийлик: асосий тушунчалар ва унинг ўрганилиши

Зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби ҳисобланмиш “Авесто” ни ўрганиш жараёни қадимдан то XX аср охирларига қадар давом этиб келмоқдадир. Чунки Авестонинг қимматли томони Жаҳон ва Ўзбекистоннинг қадимги тарихидаги аниқ бўлмаган масалаларига жавоб изланишида муҳим манбалиги аниқ бўлган эди. Ундаги маълумотларни нотўғри таҳлил қилиш асосида тадқиқотчилар, файласуфлар ва сиёсатчилар ўз мақсадларида жамият учун турли бузғунчи гуруҳларга мафкура ва ғояларига айлантириб ўзларининг тажовузкорона ишлари йўлида ҳам фойдалана бошлаган эдилар. Масалан XX аср бошларида вужудга келган нацистлар ва фашистларни бунга мисол тариқасида кўришимиз мумкин. Шу боис, Зардуштнинг ва унинг муқаддас китоби “Авесто” китобини асл матнини тиклаш, ўқиш ва аниқ хулосалар чиқариш муҳим эди. Авестошуносликда янги йўналиш яъни танқидий авестошунослик вужудга келди. Шундай тадқиқотлардан бири Л. А. Лелековнинг тадқиқотлари эди.

“Авесто” ни ўрганиш борасида қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

Айтиш мумкинки, милoddан аввалги I асрда яратилган “Шаҳрихон Эрон”, “Динкард”, “Бундаҳишн”, “Арда-вирафнома” каби пахлавий тилида битилган китоблар, шарҳлар авестошунослик муқаддимасидир.

Авестошуносликнинг кейинги тадрижий тараққиёти ислом даврига тўғри келади. Хусусан, улуғ ватандошимиз Абу Райҳон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида “Авесто” ҳақида қимматли маълумотлар келитиради. Беруний даврида (973-1048) “Авесто”ни билганлар, шубҳасиз ҳозиргига нисбатан анча кўп бўлган ва улуғ аллома Ҳиндистонга сафари, Хоразм Маъмун академиясидаги фаолияти давомида “Авесто” тилини ўрганган. Бундан ташқари, Беруний даврида хоразмий тили тамоман ўлик тилга айланмаган эди. Баъзи тадқиқотчилар, хусусан,

профессор Жалил Дўстхоҳ Берунийнинг баъзи фикрларига кўра, у “Авесто”нинг бизга номаълум қисмлари ёки ўша қисмлар мазмуни билан таниш бўлган бўлса керак, деган фикрни билдиради⁸.

“Авесто” ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган асарлардан бири Маъсудий (вафоти 995) қаламига мансуб “Муруж аз-зиҳаб” (“Олтин водий”)дир. Масалан, Маъсудий ёзишича, Искандар Зулқарнайн Истахр шахрини ўз тасарруфига киритгач, “Авесто” китобидаги тиббиёт, фалсафа, риёзиёт ва нужум илмига доир матнларни юнон тилига таржима қилиб, ўзини ёқиб юборишни буюрган⁹.

“Авесто”нинг ўтган минг йилликдаги илмий таҳлили, фанда қимматли манба сифатида эътироқи европа олимлари номлари билан боғланади.

Европада “Авесто” ва Зардушт ҳақида нашр қилинган биринчи асар Барнаб Брисоннинг 1590 йили Парижда босилиб чиққан китоби эди. Оксфорд университети профессори Т. Хайд қадимги Эрон адабиёти тарихини тадқиқ этиш жараёнида Авестони ўрганган. Томас Хайд зардуштийлик дини тўғрисидаги эроний, юноний, румий ва араб манбаларини ўрганиб, 1700 йили лотин тилида “Қадимий форслар, портлар (парфияликлар) ва модликлар дини тарихи” номли асар чоп қилинади¹⁰. Томас Хайд бу китобида зардуштийлик (маздапарастлик) монотеистик, яъни яккахудолилик дини сифатида талқин қилиш юнонлар ўзларининг политеистик нуқтаи назаридан қараганлари боис юзага келганлигини исботлайди. XVIII аср Европа авестошунослигининг шаклланиши ва тараққиёти босқичи бўлди.

Анкетил Дюперрон фаолияти Европа авестошунослигини янги босқичга кўтарди. У Бодлеан кутубхонасидаги “Авесто” қўлёзмаларини ўқиш мақсадида ҳеч кимдан йўлланма ва маблағ олмасдан Ҳиндистон сафарига отланади. Кўп азобларни бошдан кечириб, Пондишери шахрига етиб боради. Дюперрон Ҳиндистонда олти йил яшаган. Дороби Порсий исмли муаллимдан “Авесто” тилини ўрганади. Шу давр мобайнида 180 та ноёб нусхаларни қўлга

⁸ Қаранг: Дўсимов З.Д., Тиллаева М.Б. Хоразм ономистикасининг шаклланиши ва “Авесто”. – Тошкент: Фан. 2010. – Б. 14.

⁹ Умарзода Мухсин. “Авесто” сирлари – Б. 196.

¹⁰ Қаранг: Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 15.

киритади. Сўнг Парижга келиб, бутун вақтини “Авесто”ни ўрганиш, изох ва шарҳлар ёзишга сарфлайди. Уч жилддан иборат Парижда эълон қилинган (1771) “Зенд-Авесто” унинг кўп йиллик (1754-1771) меҳнатлари самараси эди. Натижада Ғарбий Европада “Авесто”га қизиқиш янада кучаяди, “Авестошунослик” пайдо бўлади. Гарчи Дюперрон тадқиқоти ва таржимаси атрофида кўп мунозаралару баҳслар бўлса-да, охир-оқибатда уни авестошуносликнинг кашшофи сифатида тан оладилар.

Ана шу таржимадан кейин Ғарб ориенталистлари “Авесто”ни ўрганишга жиддий кирадилар. Бирин-кетин немис, инглиз ҳамда француз тилларида ушбу ёдгорлик хусусида диний, фалсафий, тарихий моҳиятидаги китоблар чоп этила бошланди. Улар орасида И. Меймерснинг “Зардўштнинг ҳаёт йўли, низоми, даъватлари ҳамда асарлари” (1778 – 1784) китоби алоҳида моҳиятга эга. Зероки, китобда муаллиф зардўштийликнинг туб моҳияти, унинг брахманлик билан умумий жиҳатларини тўғри аниқлаган, ишонарли далиллар асосида тушунтириб берган. Ҳатто муаллиф ислом дини билан зардўштийлик орасида умумий жиҳатлар ҳам мавжудлигига олимлар диққатини жалб этган. Эндиликда деярли барча авестошунослар Дюперрон меҳнатини эътироф этиб, унинг матнига суянадиган бўлдилар. Жумладан, Силвестр Де Саси, Тихсен, Уильям Жоне ва бошқалар Зардўштни инсоният бешигидаги биринчи шоир, воиз ва философ сифатида баҳолайдилар ва уни илм оламига таништиришда Дюперроннинг хизмати катта эканлигини махсус қайд этадилар. Масалан, Силвестр сосонийлар даври қоя катибалари тилини ўрганиб, “Авесто”нинг пахлавий тилидаги шарҳлари билан танишгач, Дюперрон меҳнатига юқори баҳо беради.

Немис олими И.Клаукер Дюперроннинг “Зенд Авесто” китобини немис тилига таржима қилиб, 1775-1777 йилларда Рига шаҳрида нашр эттиради. Кўп ўтмай Европа илмий жамоатчилигида “Авесто” га қизиқиши кескин ортади, ҳар томонлама илмий тадқиқотлар изчил давом эттирилади.

XIX асрнинг бошларига келиб ана шу таржима асосида Қадимги Бактрия, Мидия ва форслар дини тарихи, “Авесто” тилига доир бир неча

илмий тадқиқотлар вужудга келади. 1820 йилда нашр этилган И.Роденинг “бақтрияликлар, мидияликлар ва форслар ёки зенд халқлари” номли китобида “Авесто”нинг бир қисми ҳисобланган Ведавдот ҳақида қисқа маълумотлар учрайди. А. Лелеков фикрича, бу асар унчалик илмий бўлмасда аммо ўз даври учун муҳим бўлган асар эди¹¹. Аммо, бу китобда бир томондан, зардуштийлик динининг катта минтақани қамраб олгани, ҳақиқатдан ҳам яккахудоликка асосланган эътиқод эканлиги ҳам кенг таҳлил этилса, иккинчи томондан, ёдгорлик тилининг грамматик хусусиятлари илк бор илмий жиҳатдан ҳийла пухта текширилади. Кейинчалик тилшунослардан Бопп, Жолли, Гарда, Жакиналарнинг турли ҳажмдаги китоблари нашр этиладики, уларда “Авесто”тилининг фонетик, лексик ва морфологик жиҳатлари у ёки бу даражада ўрганилган.

XIX асрда “Авесто” Ғарб философлари диққатини ҳам ўзига жалб этади. Г. Риттер ўзининг 12 томлик “Философия тарихи” китобида, Кечел ўзининг қатор мақола ва нутқларида “Авесто”даги диний қатор мақола ва нутқларида “Авесто”даги диний ва фалсафий ақидаларини кенг шарҳлаган, улар мазмун, мундарижа жиҳатидан қадимги грек мифологиясидаги қарашлардан бирмунча бойлигини алоҳида таъкидлашган. “Бу, – дейди Гегель, – чинакам зиё ва яхшилик динидир. Унда зиё зулматга, яхшилик зулмга қарама–қарши қўйилади”. Гегель зардуштийлик дининг фаол, яратувчи, курашчан, элни фаровон, юртни обод қилувчи диндорнинг тарафдори эканлигини алоҳида уқтиради ва Зардуштни бу соҳада “реформатор” деб атайди.

Авестошунослик тарихида француз тилшунос олими А. Бюрнуфнинг “Яснага шарҳ”лар китоби янги бир босқич бўлади. У Дюперрон ишини давом эттириб, “Авесто” тилининг лексик ва грамматик хусусиятларини ҳийла пухта ўрганади ва Бехустин ва Персипол битикларидада ёзилган тил билан ҳамда қадимги ҳинд Ведалари билан қиёсий типологик таҳлил қилади. Натижада бу олим ёдгорлик лексик қатламини аниқлашда янги бир босқични

¹¹ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 15-16.

бошлаб беради. С. Вендешман ўзининг машҳур “Зардуштийлик тажрибалари” номли тадқиқотида Митра ва Ардвиссура Анахито ҳақидаги мифларни ҳинд эпоси билан солиштирар экан. Бюрнуфнинг қиёсий-типологик усули нақадар илмий асосланганлигини яна бир бор таъкидлаган. Шундай қилиб, Фарбий Европа шарқшунослигида “Авесто”нинг моҳияти хусусидаги фикрларда икки йўналиш пайдо бўлади: айрим олимлар “Авесто” билан “Веда”ларнинг илдизи бир, улардаги мифларнинг ўхшашлиги шундай хулоса чиқариш ҳуқуқини беради, дейишса, иккинчи гуруҳ олимлари бунга қарши фикр билдириб, ҳар икки ёдгорлик бўлак-бўлак заминда вужудга келган, уларнинг моҳиятида жиддий тафовут бор. Шунинг учун “Веда”ни ҳам, “Авесто”ни ҳам ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганиш ва баҳолаш лозим, дейдилар. “Авесто”нинг кейинги тўлароқ таржималари ва улар асосидаги тадқиқотлар иккинчи йўналиш тарафдорлари фикрларини тасдиқлади. Шу йиллари немис бастокори Рихард Штраус уч қисмдан иборат О чём говорит Заратустра деган симфония яратган. Асар бир қатор Ҳотлар асосида ёзилган. XIX аср ўрталарида Э. Бюрнуф ва М. Хауганинг Гатларни ва Авестонинг матнини тадқиқ этиб системалаштиришга ҳаракат қилганлар. Айниқса, М. Хауга Авестонинг танқидий матни устида иш олиб борган¹². Ўз даврида Ж.де Риал ҳам бу масалани 1870 йилда ҳинд-эроншуносликни ўрганиш мақсадида тадқиқ қилган. Унинг ватандоши Л. ФЕ эҳтимол биринчи марта зардуштийлик тарихини пухта ўрганишга киришгандир. Унинг библиографияси ҳозирда ҳам қизиқарли ҳисобланади.

Фарбий Европада “Авесто”ни ўрганиш, тарқалишига энг катта ҳисса қўшган олимлардан яна бири Макс Мюллердир. Оксфорд университетининг профессори М. Мюллер (1823-1900) тарих, қиёсий мифология, қиёсий тилшунослик, диншунослик, ҳинд адабиёти бўйича кўплаб тадқиқотларнинг муаллифидир. Хусусан, у “орийлар”нинг келиб чиқиши, дунё бўйича кўчиши ва тарқалиши тарихи бўйича ягона мутахассисдир. Мюллернинг ташаббуси ҳамда шахсий иштироки билан 1974 – 1904 йиллари инглиз тилида 49 томлик

¹² Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 15-16.

“Шарқнинг муқаддас китоблари” нашр қилинди. Шу силсиланинг 1-, 5-, 23-, 31-жилдлари “Авесто” матнлари ҳисобланади. Улардан “Вендидод”, “Зенд Авесто” нинг бир қисмини (1-том, 1880; 33-том, 1883) Жем Дармстетер таржима қилган. “Авесто”ни ўрганишнинг кейинги босқичи Джем Дармстетер номи билан боғлиқдир. У “Авесто”ни инглиз тилига таржима қилди. “Зенд Авесто”нинг 3-қисми ҳамда Яшт, Ҳот, Виспарадни Л.Г. Мильс таржима қилган (31 том, 1884). Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, Дармстетер “Авесто”нинг мавжуд китоблари танқидий матнини тузиш, инглиз ва француз тилларига таржима қилишдан ташқари ёдгорликнинг адабий қиймати ҳусусида бир қанча тадқиқотлар муаллифи ҳамдир. Уларнинг бир қисми кейинчалик муаллифнинг “Эрон лавҳалари” (1888) китобида жамланган. Унинг меҳнатлари туфайли авестошунослик янги поғонага кўтарилди ва кейинги авлод тадқиқотчилари учун мустаҳкам таҳкурси яратилди¹³.

Зардўштийлик дини бўйича олиб борилган тадқиқотларни манбавий асосига кўра уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. адабиётларда Зардўштийлик дини ва “Авесто” манбашунослиги нуқтаи-назаридан ўрганилган.
2. “Авесто”да ёритилган ғоялари тарихшунослик нуқтаи-назаридан ёритилиб, талқин этилган адабиётлар.
3. “Авесто”да акс этган диний ғояларнинг археологик материаллар мисолида солиштириб таҳлил қилинган тадқиқотлар.

Зардўштийлик дини ва унинг муқаддас китоби “Авесто” ҳақида Буюк Британиялик эроншунос олима Мэри Бойснинг маълумотлари қимматлидир. М. Бойс ўз тадқиқотида Зардўштийлик динининг пайдо бўлишидан то унинг XX аср охиригача бўлган даврдаги тарихий жараёнлар билан боғлиқ маълумотларни беради. У зардўштийлик дини учта йирик Эрон империясининг давлат дини бўлганлигини таъкидлаб, пайғамбар Заратуштра мил. ав. 1500-1200 йил оралиғида яшаган деб ҳисоблаган. М. Бойс ўз

¹³ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 10.

тадқиқотларида, Зардўшт ватани Эронда давлат дини даражасига кўтарилиши жараёнини, зардўштийлик дини ва унинг маъбудлар тасвирлаб, дафн маросими билан боғлиқ одатлар, диний ибодат ва амалларни назарий жихатдан асослаб берилди.

Тадқиқотда мил. ав. I минг йиллик ўрталарида Эрон ҳудудида Зардўшт номи билан боғлиқ маздизм ғояларининг сиктретлашган кўриниш, диннинг тарихий тараққиётини ва босқичлари ҳақида сўз юритиб, зардўштийлик дини мил. ав. I минг йилликнинг биринчи ярмида шу ҳудудларда кенг ёйилганлигини таъкидлайди.

Мэри Бойснинг тадқиқотлари зардўштийлик дини Эрон халқлари мисолида мазмун моҳиятини очиб беришга йўналтирилганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, унинг дастлабки босқичлари ёритишда тадқиқотимиз учун муҳим аҳамиятга касб этади¹⁴.

В.В. Струве ва В.И. Аббаевларнинг фикрларича дастлабки даврларда Шарқий Эрон ҳудудларида Зардўштийлик ғоялари, Ғарбий Эрон ҳудудларида эса Маг диний эътиқоди ёйилган. Аҳамонийлар давлатининг вужудга келиши билан иккин диний эътиқод зардўштийлик дини номи остида бирлашди.

Дарметатернинг фикрича, “Авесто” ғоялари дастлаб шимолий-ғарбий Эрон ҳудудларида, яъни Мидия ҳудудларида вужудга келган. Бунда диннинг оташпарастлик нуқтаи-назаридан таҳлил муҳим ўрин тутиб, жамиятда диннинг маънавий бирлик вазифасини, жамиятда ягона ғоя остида бирлаштирувчи давлат формаси эътиборидан четда қолган¹⁵.

Л.А. Зарубин ҳинд-эрон халқлари ва славян халқлари орасида зоолатик¹⁶ ва антропоморф диний кўринишлар ҳақида тўхталади. У Атхарваведа ва Ригведада акс этган диний тушунчаларни ҳинд ва славян халқлари диний ҳаёти билан солиштиради.

¹⁴ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 18.

¹⁵ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 21.

¹⁶ Зоолатрия – юнонча сўздан олинган бўлиб, ҳайвонларга эътиқод, ҳайвонлар култи деган маънони билдиради. Диний эътиқоддаги бу шакл Қадимги Миср ва Ҳиндистонда кўпроқ учрайди (Қаранг: Словарь иностранных слов. – М.,: Русский язык, 1979. – С. 185)

Зардўштийлик дини маъбудлари ва “Авесто” да акс этган ғоялари Б.И. Кузнецовнинг асарида ҳам акс этган бўлиб, бунда тибетлик аҳоли орасида мавжуд бўлган. Бон диний қарашлари ҳақида тўхталади. Бу диннинг келиб чиқишини Эрон ҳудудларидан қидиради.. Яъни “Авесто”нинг энг қадимги қисми – Гатларда акс этган маъбудларнинг буддавийлик диний худолари билан ассимиляцияси тўғрисида сўз юритади. Бу ўринда муаллиф зардўштийлик дини худоси, маъбудалари ва диний ғояларини илмий жиҳатдан таҳлил қилиб, Тибетда вужудга келган диннинг илдизларини қидиради. Бу асар бевосита зардўштийлик дини тарихига бағишланган бўлмаса-да, “Авесто”нинг Гатларда акс этган ғоялар Бон диний эътиқоди масаласида чуқур илмий мулоҳаза қилинган бўлиб, тадқиқотимизни назарий жиҳатдан таҳлил қилишда муҳим ўрин тутди.

“Авесто” ғояларини илмий талқини йирик суғдшунос олим М.М. Исҳоқов томонидан чуқур тадқиқ қилинган бўлиб, унинг асарлари археологик материалларини назарий жиҳатдан таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Унинг тадқиқотларида “Авесто”нинг пайдо бўлиши шарт-шароитлари, Зардўштнинг диний ислоҳатлари ва у яшаган давр тарихини шароитлари, зардўштийлик динининг Ўрта Осиё халқларининг Исломгача ва Исломдан кейинги диний дунёси масалалари чуқур таҳлил қилинган бўлиб, тадқиқот назарий жиҳатдан ёритишда муҳим ўрин тутди.

“Авесто”да акс этган ғояларнинг талқини, зардўштийлик динининг пайдо бўлиши ва ривожланиши масаласи А.О. Макавелленинг асарида яхши акс этган бўлиб, муаллиф асарида зардўштийлик динининг пайдо бўлиши ҳақида сўз юритилиб, А.О. Макавелле диннинг икки йирик маркази Ўрта осие ва Мидия бўлганлиги таъкидлайди. Шунингдек, Зардўштийлик дини амал қилган жамиятларда ижтимоий табақа бўлганлигини таъкидлайди. Ҳиндистон ва Мисрда бўлгани каби кастачиликнинг ёки синфий бўлинишнинг зардўштийлик динида ҳам мавжудлигини, лекин бу одатлар ҳамма ерда амалдор бўлмаганлигини таъкидлайди. Аммо А.О.

Макавелленинг асарида зардуштийлик дини ва “Авесто”даги ғоялар айнан қайси ҳудудда келганлиги ўзининг якуний ечимини топмаган¹⁷.

Шарқ қадимдан инсоний қадриятлар, маданият ва маънавият бешиги ҳам ҳисобланган. Инсоният тафаккурининг энг қадим гавҳарлари ҳам Шарқ заминида яратилган “Веда”, “Авесто” каби китобларда, кўплаб эпосларда (“Панжатамантра”, “Алпомиш”, “Манас”, “Махабхарата”, “Рамаяна”, “Шоҳнома” каби) ўз аксини топган.

“Авесто”да Марказий Осиё, Эрон халқларининг қадимги даврдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, дини, тили, урф-одатлари, маданият даражаси ва ҳақозолар ҳақида маълумотлар жамланган бўлиб, бу халқлар ҳаётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга ва ягона асардир. Мирсодик Исроқов “Авесто”даги асосий ғоя Ахура Мазда ва Митра фаолияти билан боғлиқлигини қуйидагича ёзади: “Авесто”да зардуштийликнинг энг муҳим ахлоқий ғояси бундай ифода топган: агар эзгу болиқни яратган Ахура Мазда қабоҳат дунёсини яратувчиси Аҳриман устидан ғолиб бўлиб, инсоният абадий саодатга эришсин десанг, эзгу фикр, эзгу ишлар билан банд бўл, шу қоидаги ҳаётида оғишмай амал қилган одам қабоҳат, ёвузлик йўлига оғиб кетмайди”¹⁸

“Авесто”нинг яратилиши жараёни ниҳоятда мураккабдир. Авестошунослик илмидаги кейинги тадқиқотларда “Авесто”-нинг асл манба ва ватани қадим Турон замини, ҳусусан, Хоразм воҳаси экани кўпроқ таъкидланмоқда.

Европа ва америка авестошунослигида юқорида номи зикр қилинган олимлардан ташқари, А.Мейзэ, К.Пелднер, А.Жексон, Бортолуме, Дармиститер, Э.Бенвенист, В.В.Струве, К.В.Гревер, И.Маркварт, Х.Нюберг ва бошқа кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий фаолиятлари муҳим ўрин тутди.

Россияда ҳам авестошунослик ўзининг бой анъаналарига эга. Россияда “Авесто”ни ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Энг

¹⁷ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 14.

¹⁸ Исроқов М. Ахура Мазда ва Митра яштарда баъзи паралеллар // ““Авесто ” – буюк комусий асар”. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2001. – Б. 3.

биринчиси Коссовичнинг илмий изланишларидир. XX аср бошларида В.В. Бартольд, К.Г. Замеман, А.Л. Погодин, К.А. Иностранцевлар “Авесто”ни ўрганишга катта эътибор қаратишган. Бу борада Б.Н. Тураев, А.А. Фрейман, Е.Э. Бертельс, И.М. Дъяконов, Б.Г. Ғофуров, И.Г. Алиев, В.В. Струве каби олимларнинг ишлари, шунингдек машҳур олим И.М. Стеблин-Каменский таржимасидаги “Авесто” ана шу илмий анъана ва тажрибалар натижасидир¹⁹.

Европа авестошунослигининг кўплаб илмий ютуқлари ичида биз учун энг муҳими, бизнингча, “Авесто” вужудга келган макон, унинг ватани хусусида юритилган фикрлар ва илмий исботлардир. Академиклар В.В. Струве, К.В. Тревер, С.П. Толстовлар фикрича, “Авесто” ва зардуштийлик дини Марказий Осиё, хусусан, Хоразмда вужудга келган, сўнгра жанубга тарқалган. Европанинг забардаст олимлари И. Маркварт, Х.Нюберг, Э.Бенвенист “Авесто”нинг ватани Амударё этакларида жойлашган деб ёзадилар. Жуда кўп исботлар билан аниқланган бу ҳақиқатни, – деб ёзади Э.Бенвенист, бошқа ҳар қандай фикр-мулоҳазалар билан йўқ қилиб бўлмайди.

Эронда “Авесто”ни ўрганиш жуда қадим илдизларга эга Эрон адабиёти – фольклорида ҳам, ёзма адабиётида ҳам “Авесто” эпизодлари етакчи ўринни эгаллайди. Абулқосим Фирдавсий (Тусий)нинг “Шоҳнома”си сюжетлари асосида “Авесто” мазмуни ётади. Демак, “Авесто”нинг жаҳон адабиётининг ривожигаги ўрни ҳам бекиёдир.

Эронлик машҳур авестошунослари Иброҳим Пурдовуд, “Яширин гавҳарлар” ёки “Авесто сирлари” китоби муаллифи Муроди Авранг, “Эрони бостон” (“Антик Эрон”) асари муаллифи Ҳасан Пири Ниё каби олимлар номи жаҳон илмий жамоатчилигига яхши маълум.

Машҳур Эрон ёзувчиси Содик Ҳидоят ҳам “Авесто” тадқиқотида доир кўплаб илмий мақолалар яратган. Эронда авестошунослик ривожига доктор Меҳрдод Баҳорнинг илмий фаолияти ҳам муҳим ўрин тутди. “Авесто” тилини ўрганишда машҳур лексикограф олим, 6 жилдлик “Фарханги форсий”

¹⁹ Авеста. Перевод и коммен. Стеблин-Каменского. Душанбе: Адиб, 1990.

(“Форс тили луғати”) муаллифи, Техрон университети профессори Муҳаммад Муъиннинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Машхур олим Муҳаммад Ҳусайн бин Ҳалаф Табризийнинг “Бурхони қотей” луғатига доир этимологик изоҳларида ҳам “Авесто” тили, шарҳлар битилган паҳлавий тилига кўплаб маълумотлар мавжуд. Шунингдек, “Авесто”нинг кўплаб атамалари, унда учраган номларга муфассал изоҳлар беради.

Атоқли авестошунос Иброҳим Пурдовуднинг шогирди, таржимон, Исфакон университети профессори Жалил Дўстхоҳ томонидан 1991 йили Техрон “Марварид” нашриётида “Авесто” нинг икки жилдада нашр этилиши авестошуносликда катта воқеа бўлди. Ушбу нашр каттагина сўзбоши билан бошланиб, изоҳлар, кўрсаткичлар билан таъминланган. Республикамизнинг кўпгина олимлари “Авесто” билан боғлиқ тадқиқотларида ушбу нашрдан кенг фойдаланмоқдалар.

2001 йил республикамизда “Авесто” китоби яратилганига 2700 йил тўлиши кенг миқёсида нишонланиши, Хоразм вилоятида катта тантаналарнинг ҳалқаро даражада ўтказилиши ўзбек авестошунослигини янги босқичга кўтарди. Илмий, анжуманлар ўтказилди, қатор илмий мақолалар, рисоалар, илмий-оммабоп нашрлар юзага келди.

“Авесто”нинг бадий таржимаси А. Сомей (Асқар Маҳкам) томонидан таржима қилиниб, дастлаб “Санъат” ва “Гулистон” журналларда эълон қилинди. Мазкур таржимон томонидан амалга оширилган таржима 2001 йили тўлиқ ҳолда нашр этилди²⁰. Тарих фанлари доктори, профессор Мирсодиқ Исҳоқов “Авесто”нинг “Яшт” китобини бевосита аслият тилидан ўғирди ва таржималар дастлаб “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 2002 йил сонларида бериб борилди. Сўнгра китоб ҳолида нашр қилинди²¹.

²⁰ Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001.

²¹ Авесто. Яшт китоби. М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001.

“Авесто”нинг 2700 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро ҳамда Республика анжуманлари ҳамда илмий-амалий семинарлар материаллари нашр қилиниб, жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди²².

Умуман олганда, мустақилик йилларида ўзбек олимлари “Авесто” тадқиқига жиддий эътибор бера бошладилар. Академик Азиз Қаюмов²³, Тилаб Маҳмудов²⁴, Мирсодиқ Исроқов²⁵, академик Аҳмадали Асқаров²⁶, Ҳамиджон Ҳамидов²⁷, Абдусодиқ Ирисов²⁸, Муҳсин Қодиров²⁹ каби олимларнинг илмий ва илмий-оммапоб мақолалари катта қизиқиш билан ўқилади. Хулоса қилиб айтганда, Муҳсин Умарзода ёзганидек, “Авесто” ҳақида дунёда нашр этилган илмий асарлар рўйхати бир катта китоб бўлади. Бутун дунё “Авесто” ҳақида сўз юритади... “Авесто” бутун жаҳон аҳлининг муштарак маданий мероси” деб таърифлайди.

²² “Авесто” ва унинг инсоният таракқиётидаги ўрни // “Авесто”нинг 2700 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари. Тошкент-Урганч: Фан, 2001: “Авесто” китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи” мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. 2000, 6 декабир. Тошкент, 2000.

²³ Қаюмов А. Қадимги ёзма ёдгориклар. – Тошкент, 2000.

²⁴ Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида // Гулистон. 1994. 4-сон, – Б. 24-32; Гулистон. 1994. 5-сон. – Б. 40-47.

²⁵ Исроқов М., Сулаймонов Р. Зардуштрининг ватани ва унинг яшаган даврига оид мулоҳазалар // Ўзбекистон тарихи. 1999. 1-сон. – Б. 45-54; Исроқов М. “Авесто”нинг туркий ўзбекча ўғирмасида // Фан ва турмуш. 1993. 3-сон. – Б. 22-23; Исроқов М. Эзгуликка йўлловчи китоб // Соғлом авлод учун. 2000. 4-сон. 1996. 5-6 сон. – Б. 42-43.

²⁶ Асқаров А. Ўрта Осиёнинг энеолит ва бронза даври оташгоҳлари // “Авесто” китоби – тарихимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбаи” мавзусидаги илмий-амалий семинар материаллари. 2000, 6 декабир. Тошкент, 2000. – Б. 27-33.

²⁷ Ҳамидов Ҳ. “Авесто” файзлари. – Тошкент: Мерос, 2001; ўша муаллиф. “Авесто”нинг илмий ва адабий қиммати // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. 3-сон. – Б. 7-15; ўша муаллиф. “Авесто”да табобат // Соғлом авлод учун. 2000. 9-10 сон. – Б. 34-36.

²⁸ Ирисов А. “Авесто” китоби // Санъат. 1991. 3-сон. – Б. 6-7.

²⁹ Қодиров М. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1993; ўша муаллиф. Зардуштийлик ва томоша санъати // Гулистон. 2000. 4-сон. – Б. 36-37.

I.2. XX аср охирларидаги тарихий адабиётларда Зардушт ҳамда Авестонинг ватани ва вақти масаласи

Зардушт сиймоси жаҳон авестошунослигида энг кенг тарқалган ва қизиқарли оммабоп масалаларидан бири ҳисобланган. Бу ҳақда юзлаб ўта субъектив назария ва фаразлар мавжуд. Тарихчи, археологлар, шарқшунослар ва умуман авестошунослар орасида бу масала доимо мунозарага сабаб бўлган. Зардушт сиймосига бағишлаб ёзилган адабиётлар тартибга солиб библиографик рўйхатлар ҳам қилинган. Шундай библиографик ишни У. Окстоби ва Ж. Пирсона лар ҳам тузганлар. Қуйидаги мунозарали томонлари:

- а) Зардуштнинг тарихийлиги
- б) яшаган даври, манзили ва унинг вазифаларининг тарихий контексти
- в) таълимотининг моҳияти ва мақсади ва алоҳида тафсилотлари
- г) кейинги Гат таълимотлари ва қонунлари билан боғлиқлиги

Бундан ташқари яна Зардушт сиймоси билан боғлиқ ўнлаб энг муҳим саволлар ҳам мавжуд. Унинг авлодлар кимлар, унинг илоҳий кароматлари, Гатларда берилган талқини қандай каби саволлар бунга мисол бўла олади. Кичик Авесто, яъни гатларда Зардушт Лидиялик Ксанфа, Платон даврларида яшаган деб берилади. Аммо кўпгина жиддий тадқиқотлари билан жаҳон илмий жамоатчилигининг диққат марказида турган бир қатор тадқиқотчилар (жумладан С.П. Толстов, И.М. Дьяконов ва бошқалар), айнан ана шу даврни, яъни муқаддас “Авесто” мадхияларининг Яштлар ва Гаталар қисмининг тили, тилга олинган ижтимоий ҳодисалар, тарихий шахслар ва ҳоказоларга асосланиб, айниқса Хуршед-Яшт, Михр-Яшт, Баҳром-Яшт, Ард-Яшт, Замяд-Яштлар Зардуштгача даврда шаклланган бўлса керак. (мил. ав. XI-X асрлар)

Кўпгина авестошунослар Зардушт пайғамбар, гатлар (мил. ав. IX–VII асрлар) унга тегишлидир деб ҳисоблайдилар³⁰.

Гатларда Зардушт сўзи 16 марта такрорланади. Уларнинг ҳаммаси учинчи шахс тилидан берилган. Бу эса Шарқ поэтикасига хос услубдир.

³⁰ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 42.

Аммо баъзи тадқиқотчилар бу гатлар бир шахс томонидан ёзилмаган деб ҳисоблайдилар³¹. Уларнинг фикрича, кимдир Зардўштга ва унинг жанрига тақлид қилади.

Биринчи марта 1881 йилда Ф. Шпигельянинг “Авесто даври ва унинг ватани” номли мақоласи нашр этилган³². Э. Жексоннинг “Зардўшт – қадимги Эрон коҳини” номли монографиясида ҳам унинг фикрларини тасдиқлаб ёзган³³. Юқорида келтирилган тадқиқотлар деб ёзади Лелеков, ҳақиқатдан ҳам манбаларга асосланиб ёзилган бўлса-да, аммо Хақиқий Авесто матнларида, жумладан Ясна – асосий китобида бу ҳақда умуман маълумот бермаган³⁴. Фақатгина бир марта Рагу деб номланган шаҳар Зардўшт ватани эди берилган. Буни К. Гельднер ва Э. Жексонлар фикрича, Гатнинг сўзбошидаги сноскасида берилган деб ёзишган. Аммо ундай эмас эди. Географик маълумотлар ёзилган Видавдотда Эрон дунёсига тегишли шаҳар ва манзиллар берилса-да, улар локализацияланмаган ва улар Зардўштнинг дастлабки ватани эмас эди³⁵.

Зардўшт (баъзи луғатларда Зардўст деб ҳам юритилади) милoddан аввалги 589-512 йилларда, яъни бундан 2600 йил муқаддам яшаб ўтган, шу ҳозирги Ўрта Осиё ҳудудида фаолият кўрсатган илоҳиётчи, файласуф, шоир ва табиатшунос олим бўлган. Унинг уч ўғил ва бир қизи бўлганлиги маълум. Зардўшт 40 ёшларга етганда илгариги кўпхудолик диний тасаввурларга ҳамда табиат ҳодисаларига, жумладан, оловга сиғиниш эътиқодларига қарши чиқиб, яккахудочиликка асосланган биринчи китобий дин – Авестони яратган ва Зардўштийлик динининг пайғамбари сифатида эътироф этилган тарихий шахсдир.

Баъзи олимлар зардўштийликнинг ватани Қадимги Мидия давлати деса, бошқалари у Эронда шаклланган деган фикрни билдиришади. Тарих доктори Э. Берзин зардўштийлик ҳақида ибратли фикрларни илгари сурган ҳолда

³¹ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 151.

³² Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 190.

³³ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 190.

³⁴ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 190.

³⁵ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 190

Зардўшти Эрон донишманди ва зардўштийлик эса “Олд Шаркнинг шимоли-шарқий чеккасида пайдо бўлди”, деб ёзган³⁶. “Зардўштийлик дини, – дейди у бошқа ўринда. – ҳинд-Эрон қабиласи динидан ўсиб чиққан”. Муаллиф , зардўштийни форсийлик билан, Зардўшт асос солган яккахудоликни оташпарастлик билан аралаштириб юборади. Ҳатто оташпарастлик дини ибодатхоналари расмларини бериб, уни зардўштлиқ намозгоҳлари сифатида тақдим этади. Бошқа муаллифлари каби Берзин ҳам европарастлик майлларига берилиб, жилла бўлмаса бу ерда яшаган орийларни Европадан келиб қолган ва гўё шуларнинг таъсирида бу дин вужудга келган, демоқчи ҳам бўлади. У бундай ёзади: “Шарқий Европадан келганлар ўзалрини орий, ўз мамлакатларини эса Ориёна деб атардилар. Эрон номи ҳам шундан келиб чиққан”³⁷. Уларнинг цивилизацияси (маданий ҳаёти) га ҳужум қилган кўчманчиларни греклар скифлар, аҳамоний форслар саклар деб, Шарқий Эрон ва Ўрта Осиёнинг жанубидаги ўтроқ аҳоли эса турлар деб аташарди, деган ғализ гапларни айтиб юборади. Гўё тур, яъни туркийлар Шарқий европаликлар келтирган цивилизацияга ҳужум қилган кўчманчилар, маданиятдан беҳабар кишилар сифатида намоён бўлади.

Кўпгина олимлар, жумладан В.В. Струве, В.В. Тревер, С.Т. Толстов, Н. Прохров ва бошқалар Ўрта Осиё ва Марказий Осиё зардўштийлик ватани, деб исботлаганлар. А.О. Маковелский ҳам шу фикрларга, асосан қўшилади. Тарихий ҳақиқатларни сийқаллаштириш ёки уни тескари қилиб кўрсатиш нуқтаи назаридан узоқ турган бу олимларнинг ҳолис фикрлари илмий далилларга асослангандир. Чунончи, зардўштийлик дининг муқаддас китоби – “Авесто” да яккаю ягона худо – Ахурамазда яратган 16 мамлакатнинг номи келтирилади. Уларнинг нуқтаи назарида иккитаси афсонавий бўлса, қолган тўққизтаси Ўрта ва Марказий Осиёдаги вилоят ва шаҳарлардир. Қолган 5 таси Ҳиндистон, Озарбайжон, Арманистон ҳудудларига тўғри келади. Масалан, Суғдиёна (Гава), Марғиёна (Марв), Балх (Бактрия), Нисоя (Марв ва

³⁶ Берзин Э. Зардўштийлик таълимоти нима? Атеистик суҳбатлар. – Тошкент, 1990. – Б. 114.

³⁷ Берзин Э. Зардўштийлик таълимоти нима? Атеистик суҳбатлар. – Тошкент, 1990. – Б. 115.

Бактрия оралиғида), Хирот, Қобул, Тус (Хуросон), Гургон (Урганч), Варана (Туркменистон ва Эрон оралиғидаги) тилга олинади. Асарда ер думолок шаклда яратилган бўлиб, унинг атрофи океан билан ўралгани, юқоридаги мамлакатларда Аҳурамазда эзгулик қонунларини Зардўшт орқали ваҳий қилганлиги ҳақида фикр билдиради.

Муқаддас “Авесто”нинг энг қадимги қисми бўлган “Михр-Яшт”да, ана шу мадҳия тўқиладиган пайтда (мил. ав. IX-VII асрлар) Арйошайана давлати тўғрисида сўз кетади. Бу давлат тахминан Амударёнинг ўрта ва қуйи оқимларида жойлашган бўлса керак деб тахмин қилинади. “Бу қабилалар уюшмасини Арйянам-Вайжо деб ҳам юритишган; кейинчалик бу атама Хоразмга кўчирилган”³⁸. Бу иттифокнинг (давлатнинг) асосчиси номаълум бўлиб кўпинча скифлардан ёки бўлмаса скифларга яқин бўлган қабилалардан келиб чиққан, дейилади. “Кейинчалик, – деб давом этади муаллифлар, Арйошайна эронлик (ёки хоразмлик) кўчманчи тур (сак қабилалардан бири) ҳукмдори Франхрасян томонидан босиб олинади. Лекин Франрасян “Шўр ва чуқур сувли” “Чайчасть” кўли (Орол денгизига яқин кўллардан бири) нинг бўйида қаватлар аждодидан бўлган ва бутун Арйошайа-нани бирлаштирган Кави Хоосров томонидан ўлдирилган”³⁹.

Келтирилган бу гаплар шундан далолат берадики, Турон қабилалари иттифоқи (Франхрасян) Хоразм воҳасидаги Датйа мамлакатини ҳам босиб олган, унинг ҳукмдори Сиёворшон (Сиёвуш)ни ўлдирилган, лекин кейинчалик Сиёвушнинг ўғли Кави Хоосров томонидан ўзининг ғолибона юришларини давом эттириб Арйошайананинг барча ҳудудларини қайтадан бир давлат таркибида бирлаштирган.

Арйошайана мамлакатининг охириги даврларида саройда янгича диний-фалсафий ғояларнинг ташвиқотчиси бўлган Зардўшт яшаган бўлса керак, деб гумон қилинади.

³⁸ Ильин Г.Ф., Дьяконов И.М. Индия, Средняя Азия и Иран в первой половине I-тысячелетия вокруг до н. э. // История Древнего мира. I-том. – Москва: 1983. – С. 347.

³⁹ Ильин Г.Ф., Дьяконов И.М. Индия, Средняя Азия и Иран в первой половине I-тысячелетия вокруг до н. э. // История Древнего мира. I-том. – Москва: 1983. – С. 347.

Шу ўринда Эрон ва Турон атамаларининг тарихимизнинг турли даврларида ҳар хил мазмун касб этганлигига ҳам қисман тўхтаб ўтиш керак. Аслида, бу масалага кўпчилик тарихчилар у ёки бу тарзда ўз муносабатларини билдириб кетган бўлса-да, лекин охирги хулосани чиқаришга унчалик шошмайдилар. Бу борада таниқли рус тарихчиси Л.Н. Гумилев, “Эрон деганда яккахудоликни тарғиб этган Зардўшт таълимотини қабул қилган юрт, туронликлар деганда эса кўпхудоликка (девларга) сиғинувчи, Зардўшт таълимотига қарши турган Ўрта Осиё халқлари тушунилган. Бу гарчи, моҳиятан тўғри бўлса-да, даврлар эътиборга олинмаган”⁴⁰.

Зардўштнинг асл номи Заратуштра бўлиб мил. ав. VIII асрнинг биринчи чорагида қуйи Амударё худудларида ташкил топган Орий кабилалари иттифоқига қарашлари Спитама уруғидан чиққан Пуришасп исмли кишининг ўғли бўлган. Ана шу уруғга мансуб бўлган Фароҳимнинг қизи Дуғдова исмли аёл унинг онаси ҳисобланади. Ёшлигида отаси уни ўз даврининг оқил одамларидан бири бўлган Барзин қуруш (чўпон)га шогирдликка беради. Барзин қуруш тарбияси

“Авесто”нинг яратилиши, мазмуни бевосита Зардушт номи билан боғлиқ. “Авесто”ни мутолаа этганимизда, унинг ҳар бир даври, ҳар бир фасли ва сатрида Зардушт сиймоси, заковат ҳамда даҳоси намоён бўлиб туради⁴¹. Зардушт тарихий шахс бўлиб, Спитамонлар сулоласига мансуб бўлган. Унинг “Авесто”да Зардушт Спитамон дейилиши ҳам шу билан боғланади. Тарихда ҳар бир даҳо сиймо ҳаёти афсона ва ривоятларга чўлғангани каби Зардушт ҳақида ҳам ниҳоятда кўплаб афсона ва ривоятлар яратилган. Буларнинг аксариятида ушбу даҳонинг туғилиши мўъжизакор, ғайриоддий бир тарзда эз беради.. унинг ҳаётда амалга оширган ишлари, жамият, бутун башарият ҳаётидаги мавқеи ана шу туғилиш мўъжизаси билан

⁴⁰ Гумилев Л.Н. Тысячелетия вокруг Каспия. – Москва: 1993. – С. 57-61.

⁴¹ Умарзода Мухсин. “Авесто” сирлари // Жаҳон адабиёти. 1997. 4-сон. – Б. 198.

боғланади.. бу ҳолни Зардуштнинг туғилиши билан боғлиқ бўлган ривоятларда ҳам кўришимиз мумкин.

Бу ривоятларнинг бирида нақл қилинишича, фаравардин ойининг хурдод куни (олтинчи куни) илоҳий юлдузлар орқали Фароҳи деган кишининг ўчоғига Илоҳий Фарра нозил бўлади. Фаррага эришган ҳар киши улуғлик, шоҳлик мартабасига эришган эди. Зеро, Фарра – бахт, иқбол, саодат, шукуҳ, улуғворлик деган маънони билдиради.

Ана шу Фарра Фароҳимнинг Пурушаспа исмли йигитга турмушга чиққан қизи Дугдавага насиб этади. Заратауштра, яъни Зардушт (тилларанг туя сохиби) ана шу Фарра шарофати билан дунёга келади.

Бу типдаги ривоят ва афсоналар қатори Зардуштнинг туғилганиданги ҳолати ҳам ғайриоддий ҳолда тасвирланади. Зардушт туғилганида одатдагидек йиғлиб эмас, табассум билан, кулиб туғилган. Шунинг учун ҳам маздапарастлик динида табассум қилиб юриш муқаддас ҳислат ҳисобланади.

Зардушт болаликдан ўз зийраклиги ва ақл-фаросати билан ҳаммани ҳайратга соларда. Кейинроқ дунё ишлари тўғрисида ўй-хаёлларга чўмадиган бўлди. Йигирма ёшга етганда бутун жамиятни оғир аҳволдан чиқариш йўллари тўғрисида жиддий фикр юрита бошлади. Кам ухлаб, кам овқат ер эди. Ота-онаси уни деҳқончилик билан шуғулланишга ундадилар. Кўнмади. Бу пайтда яна уруш бошланиб кетди. Бу уруш эзгулик ва ёвузлик масалалар устида андиша қилаётган Зардушт тафаккурини янги жараёнга солиб юборди: у улуғ бир мақсад учун туғилганлигини ҳис этди, оқибат ҳақиқатни топгандек бўлди, Кўз ўнгида Аҳура Мазда зухур этди.

“Авесто” гоҳлари ва паҳлавий тилида битилган “Зод спарам” китобида ривоят қилинишича, Зардушт тонг пайти муқаддас “ҳаума” ичимлигини тайёрлаш ниятида дарёга бориб, оқим ўртасидан сув олади. У шу лаҳзаларда ажиб бир руҳий ва жисмоний поклик ҳолатида эканлигини сезади. Қайтиб соҳилга келганида қаршисида ёрқин нур сочиб турган зот – Воҳуманани кўради. У Зардуштни Аҳура Мазда ва яна беш нафар ёғду сочаётган

раббоний зотлар олдиға олиб боради. Ўшанда Зардушт Ахура Маздадан пайғамбарлик рисолатини олади.

Аммо фанда Зардушт тарихий шахс деган фикрлар ҳам бор. Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг энг қадимги ёзма манбалардан бири “Авесто” тахминан 2700 йил илгари яратилган. Аммо ундаги маълумотларнинг умумлаштирилиши, илк бор китоб шаклига келтирилиши оташпарастлик дини пайғамбари деб тан олинган Зардушт ибн Сафид Тўмон (Заратуштра, Зороастр) деган кишининг саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ. Абу Райхон Берунийнинг гувоҳлик беришича, Зардушт милоддан аввалги 589 йилда Эрон Озарбайжони деб аталадиган қадимги Мидия давлати ҳудудида яшаган коҳин Сафид ибн Тўмон (Паурушасп) ва унинг хотини Дугдавадан дунёга келган⁴². Зардуштнинг отаси Спитама уруғидан бўлиб, Эрон шоҳи Муначеҳр авлодидан эди. Ўз навбатида “Авесто”да Спитама уруғи номи жуда кўп марта тилга олинган.

Янги дин асосчиси бўлган пайғамбарнинг ёшлиги чорвадорлар орасида ўтган ва унинг исми “кекса туя минган одам” деган мазмунни беради. Балоғатга етгач, Зардушт Эрон шоҳи Гиштаспнинг вазири Фрашаштранинг қизи Хавовига уйланади ҳамда келгусида унин Иставатра, Урвататнара, Хваречитра исмли ўғиллари ва Френи, Трити, Поуричиста исмли қизлари дунёга келган.

Зардушт зеҳни ўткир ва меҳнаткаш инсон бўлганлиги сабабли кўп йиллар давомида дунёвий ҳамда диний билимларни ўрганиш учун астойдил ҳаракат қилган. Натижада у янги бир таълимотни одамлар орасида тарғиб эта бошлаганлиги сабабли, маҳаллий коҳинлар томонидан қувғин остига олингани ва дарбадарликда умр кечиришга мажбур бўлган. Оқибатда Зардушт Эроннинг шарқий қисмида яшаётган хоразмий, марғиёналиклар, суғдийлар ерларида яшаган. У қаерда бўлмасин, ўз сўзлари ва эътиборли фикрлари билан одамлар орасида меҳр-оқибат уруғини сочишга интилан ва уларни одил худо – Ахура Маздага сиғинишга чорлайди.

⁴² Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Т. I. – Тошкент.: Фан. 1968. – Б. 236-238.

“Авесто”ни ўрганган кўпгина олимларнинг фикрига қараганда бу китоб Амударё қирғоқларида жойлашган қадимги ҳудудлардан бири – Хоразмда яратилган. Дастлаб “Авесто” маълумотларини Хоразм билан боғлаган олим Э.Захау ҳисобланади. У 1873 йилда Венада нашр қилинган “Хоразм тарихи ва хронологиясига доир” номли асарида “Авесто”да тилга олинган “Кайризао” ўлкаси Хоразм эканлигини исботлаб берган. Олимнинг фикрича, “Кайризао” икки қисмдан иборат: “кайри, “корето” – озиқ-овқат, “зао”, “зам” – ер, яъни озиқ-овқат мамлакати, озуқага бой юрт деган маънони билдиради”⁴³.

Хоразмнинг қадимги тарихини қайта тиклаган академик С.П. Толстов “Авесто” пайғамбар Зардушт томонидан Хоразмда ёзилган деган фикрни илгари сурган: ““Авесто” ҳам бошқа муқаддас китоблари сингари кўп қатламлидир. Бироқ унда, шубҳасиз, Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё тарихининг архаик даврига бориб тақалувчи маълумотлар устунлик қилади, ҳозир бизнинг кўлимизда бор материалларга асосланиб, бу даврни янги эрадан аввалги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмига мансуб деб ҳисоблаш мумкин”, – деб ёзади⁴⁴.

И. Жабборов ва Г. Дресвянскаялар ҳам зардуштийликнинг ватани Ўрта Осиё, хусусан, Хоразм эканлигини этнографик мисоллар орқали исбот қилишга ҳаракат қиладилар⁴⁵.

“Авесто” Хоразм ҳудудида яратилган дейилган ғоя ҳозирда бир қатор олимлар томонидан қайта-қайта такрорланмоқда. Ушуб фикр, айниқса, “Авесто”нинг 2700 йиллиги муносабати билан кўп бор айтилган.

Тадқиқотчи Абдулла Аҳмедов “Авесто”даги давлатни бошқариш усулига оид фикрларни таҳлил қилар экан, ушбу асарни Хоразмда диёрида яратилганига кўплаб далиллар мавжуд, деб ҳисоблайди ва жумладан, шундай ёзади:

“1. Китобни Хоразм тили ва ёзувида ёзилгани.

⁴³ Абдураимов Р., Эгамбердиев Н. Жаннатмаконда яратилган асар // Фан ва турмуш. 2001. 4-сон. – Б. 4.

⁴⁴ Толстов С.П. Хоразм маданиятини излаб. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 104.

⁴⁵ Жаббаров И., Дресвянская Г. Духи, святые, боги Средней Азии. – Ташкент., 1993. – С. 53.

2. Хоразмда оташпарастлик ақидалари билан боғлиқ жой номларининг мавжудлиги”⁴⁶.

Шоназар Бекчанов “Авесто”нинг Хоразм ўлкасида яратилганлиги ҳақида гапирар экан, бу масала бўйича В. Бартольд, Б. Ғофуровнинг фикрларини келтиради ва қуйидагиларни қўшимча қилади: “Буни Хонқа қалъаси, Қуйқирилган қалъа, Жонбос қалъа, Тупроқ қалъа, Аёз қалъадан топилган буюмлар, доимий муқаддас олов ёниб турадиган оташхона, ибодатхона ҳам тасдиқлайди”⁴⁷.

Баъзи тадқиқотчилар “Авесто” яратилган ҳудуд ҳақида ҳеч қандай аниқ далиллар келтирмаган ҳолда қуйидагича қатъий фикрни ҳам баён қилишмоқда: “Тарихий илмий манбалар берган маълумотларга қараганда “Авесто”нинг яратилган ватани Хоразмдир”⁴⁸.

Баъзи тадқиқотчилар зардуштийлик дини асосчиси Спитама (“Туя боқувчиси” маъносида) Хоразмда туғилган, деган қатъий ҳукм келади. Чунки Ахура Мазда яратган 16 мамлаканинг биринчиси Арйанам Вайжа (“Арийлар юрти”)ни шарқшунос Маркварт, В. Бартольд, кейинчалик тадқиқотчилардан Гамашек, Гейгер, Герцфельд, Андриас, Германи, Тари ва бошқалар Хоразм деб ҳисоблашган. Арйанам Вайжа (Катта Хоразм) таркибига Поурата (Парфия), Гава (Суғдиёна), Мауру (Маргав) – Марв водийси ва Хоразм кирган⁴⁹.

⁴⁶ Аҳмедов А. “Авесто”да давлатни бошқариш усули // “Авесто” – буюк қомусий асар. – Тошкент, 2001. – Б. 7.

⁴⁷ Бекчанов Ш. “Авесто” зардуштийлик динининг муқаддас китоби // “Авесто” – буюк қомусий асар. – Б. 8.

⁴⁸ Йўлдошев Р. “Авесто” ёзуви ва тили // “Авесто” – буюк қомусий асар. – Тошкент, 2001. – Б. 17.

⁴⁹ Матниёзов М. “Авесто” қачон ва қаерда яратилган? // “Авесто” – буюк қомусий асар. – Тошкент, 2001. – Б. 22-23.

II. Боб. XX аср охирларидаги Авестошуносликка танқидий баҳо ва қарашлар

II.1. Л.А. Лелековнинг Авестошуносликнинг XX асрдаги ҳолатига танқидий баҳоси

Л. Лелековнинг Зардўшт ва “Авесто” тарихшунослигига оид тадқиқотлардан ўзга мукамал тадқиқот йўқ десак, муболаға бўлмайди. Чунки, унинг тадқиқотлари нафақат “Авесто”нинг асл матни билан бирга, авестошуносликнинг XX асргача бўлган ҳолатини чуқур ўрганган. Ушбу олим XX асрнинг 80 йилларига қадар нашр этилган 1249 та адабиётни ўрганиб таҳлил этиб, ўз хулосаларини берган. Шу билан бирга, бу тадқиқот ва адабиётларни ўрганиш жараёнида уларга танқидий баҳосини ҳам бергандир. У “Авесто ва Зардўштга оид тадқиқот ва адабиётларда жуда кўп қайтаришлар бўлса-да уларни умумий хулосалари турлича ҳамда масалага турли нуқтаи назардан ёндошганлар. Тарихшунос ушбу қайтарилган маълумотларни эсда сақлаши ва масалаларни тўғри ёки нотўғрилигини ажрата олиши даркор”⁵⁰.

XX асрнинг бошларидаги авестошунослик тараққиёти бевосита Христиан Бартоломе (1855 – 1925) фаолияти билан боғлиқлигини Л. Лелеков таъкидлаб ўтади. Гап шундаки, Бартоломе “Авесто”нинг таржималари, асл матни, у ҳақдаги тадқиқотларни 30 йил давомида ўрганиб чиқади, пахлавий ва ёдгорлик тилини пухта ўзлаштиради; “Авесто” нинг тили хусусида бир қанча мақолалар ёзади, маъруза қилади. Ва ниҳоят, 1878 йили “Қадимги Эрон тили луғати” ни чоп эттиради. Гатларнининг таржимасини яратади. Бартоломе луғатидан фойдаланиб Ф. Вольд “Авесто”ни мукамал таржима қилади ва у 1970 йили Страсбургда чоп этилади. Кейинги йилларда барча авестошунослар ўз тадқиқотларида ана шу икки манбага асосланишган ва асосланмоқдалар. Э. Леманна 1900-1910 йиллар давомида олиб борилган авестошуносликка оид тадқиқотларни таҳлил қилиб, ўз мақолаларини чоп эттирган.

⁵⁰ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 15.

1942 йилда В. Хеннинг “Авесто матнларини қисмларга ажралиши” асарини чоп эттиради. Бу асарнинг қиммати ҳозир ҳам юқори баҳоланади. Чунки Авесто ва Зардўштийликка оид барча масалаларнинг бирламчи манбаси ҳисобланган Авесто матнлари устидаги тадқиқотлар кўп муаммоларнинг ечимини топиб беради. И. Хертель ва Х. Ломмельларни фикрича бузилган Авесто матнларини тиклаб бўлмайди. Аммо, В. Хеннингнинг юқоридаги тадқиқоти буни нотўғрилгини ҳамда Авесто матнларини устида бемалол иш олиб бориб уни тўғрилаш мумкинлигини исботлаган.

Авестошуносликни субъектив томондан ўрганиш, археологик тадқиқотлар билан тадқиқ этиш ишини Э. Херцфелд бошлаб берган. Унинг икки томлик 1947 йилда чоп этилган асарида бу ҳақда маълумотлар берган.

XX асрнинг 60 йилларида Б. Шлератнинг икки томлик “Авесто луғати” асари чоп этилди. Унда 800 дан ортиқ хиндевропа ва хиндэроншуносликка оид тадқиқотлардан библиографик масалалалар берилган. 70 йилларда эса Х. Бейлининг иккита библиографик тадқиқоти нашр этилди. Унда аевтология муаммоси танқидсиз, аниқликдан узоқда ёзилган. 1962 йилдан 1972 йиллар давомида Ж. Коллена авестонинг лингвистикаси оид муҳим маълумотлар берган. Шунингдек бу вақтда, авестошунос Дж. Пирсоннинг библиографияси ҳам муҳим тадқиқот эди. Унинг тадқиқоти афсуски XX асар биринчи ярмидаги тадқиқотларни қайтариш билан чекланиб, кўпроқ урғуни “ҳиндгерман хроникаси”га бағишланган. Шу боис, Л. Лелеков унинг бу асарини танқид қилган.

1974 йилда Эрон давлатчилиги ва маданиятининг 2500 йиллигига бағишланган уч томлик Commemoration Corus тадқиқотида Л. Лелеков жуда Авестошуносликка оид муҳим маълумотлар берилганлиги ҳақида сўз юритади. Унинг биринчи томида Германиядан В. Лентца, Австриядан М. Майрхофера ва Ж. Катракаларнинг тадқиқотлари берилган. Бу тадқиқотлар чуқур таҳлил қилингани ва бир-биридан бутунлай фарқ қилиши кўзга

ташланади, деб ёзади Л. Лелеков. Аммо, Х. Бейли тадқиқоти билан солиштирган сезиларли даражада кенгроқ берилган.

Авестошуносликка оид тадқиқотларни муҳим масалаларини такрорланишсиз, аниқ масала ёки муаммони қисқа ва лўнда ҳолатига тушириш лозим эди. Л. Лелековнинг фикрича, айнан шу даврда бу масала ўз ечимини топишга тайёр эди. Америка, Европа ва Ҳиндистондаги эроншуносларнинг тадқиқотларини ўрганиб таҳлил асосидан бир тизимга солиниши зарур эди. Айниқса бу тадқиқотларни танқидий томонларини, услубларини ўрганилиши ҳам керак деб билган. Бу вазифани кўпгина тадқиқотчилар ўзлари бажаришга ҳаракат қилганлар. Жумладан, В. Хенинг, Х. Бэйли, Ф. Жинью, Дж. Тавадия ва бошқаларни асарларини бунга мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Бу ерда бир муаммо бўлиб, у ҳам бўлса ҳақиқатни қандай аниқлаш мумкин. Исботсиз ҳам талаб қилинаверадиган қоидали масалалар авестошуносликка кам эди..

II.2. Авестони ўрганишдаги услублар ва қарашлар.

Авесто ва Гатлар даврига оид саволларнинг услубий тартибсиз берилса-да, уларга аниқ жавоб топишга бўлган уруниш натижасида янги далиллар ва масалалар кўтарилиш мумкин. Эроншунос инглиз олимлари Т. Бэрроу, Ф. Кейпера, М. Бойс ва унинг шогирди А. Шахбази, шунингдек, Ж. Ньоли шубҳасиз Зардўшт даврини Ригведа билан боғлайди, ёки ундан ҳам узоқроқ даврни ҳам белгилашади, то неолит ва бронза даврларига олиб бори такашади⁵¹. Аммо улар кайғуришмаяптики, Гатларнинг мазмуни Зардўштниги пишиб етилган фалсафий таълимоти тартибга солинганлиги, босқичма босқич ривожланганлиги билан ажралиб туришини. Ҳорижлик авестошуносларни Зардўшт мавжуд бўлганми ёки Авесто матнлари бир гуруҳ олимлар, рухонийлар маҳсулими деган баҳслар ҳам мавжудлигини Л. Лелеков ўз асарида келтириб ўтган. В. Хеннинг ва бошқалар фикрича Зардўшт бу бир жамоа эмас у бир шахс сифатида дунёга келиб ўз таълимотини илгари сурган. Э. Дюркгейманинг фикрича, Зардўштни диний фикрлари бир неча йиллар давомида тажриба асосида жамоавий яратилган деб ёзган⁵².

Милоддан аввалги V-VIII асрлардан бошлаб Юнонистон ва марказий осие халқлари ўртасида алоқа кучайди. Бу давргача бўлган Грек тафаккурининг ривожланишига Миср, Бобил, Финикияда пайдо бўлган таълимотлар асос бўлган. Милоддан аввалги VI асрга келиб эса, Марказий Осиё ва Эрон халқлари дини, Зардўшт таълимоти грециялик донишмандларга ўз таъсирини ўтказа бошлади. Зардўштийлик бўйича йирик тадқиқотчи, инглиз олимаси Мэри Бойснинг фикрича, “Таъсир фақат бир томонлама, зардўштийлик тарафидан бўлган. Қадимги грек фани Марказий Грецияда эмас, балки Кичик Осиёда, Милет шаҳрида шаклланди”

⁵¹ Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 266.

⁵² Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992. – С. 267.

Деярли барча муқаддас диний китоблар илоҳий аҳкомлар қомуси бўлиш билан бирга маълум маънода ўша халқ (ёки халқларнинг) бадий тафаккури сарчашмаларидан бири ҳам ҳисобланади. Зероки, бундай обидалардаги диний-назарий асослари, қоидалар, пандлар, даъвату мурожаатларнинг асл решаси энг қадимги оғзаки ижодга бориб тақаладиган асотир, ривоят, нақллар билан зийнатланиб боради, қоришиб кетади.

Дастлаб шуни таъкидлаш лозимки, бу ёзув ёдгорлигининг нисбатан энг қадимги қисми “Вендидод”да ҳам бевосита, Зардўшт шеърларидан иборат яшт, Готларда ҳам Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон халқларининг энг қадимги асостирлари – Митра, Ардвиссура, Анахитан, Варахрана, Оша ва бошқалар хусусидаги мифларнинг мазмуни, Каюмарс (Гава, Марта), Жамшид (Йима) саргузаштлари турли муносабатлар билан битилган.

Фанда “Авесто” таркиби уч тарихий қатламга ажратилади:

1. Энг қадимий қисми мил. ав. 3-минг йиллик охирлари ва 2-минг йилликда вужудга келган Яшталар; уларда синфий жамиятдан илгариги қабилавий эътиқодлар, кўп худолик тасаввурлари ўз ифодасини топган.
2. ундан кейинги қисми Готлар деб аталади. Унда худо Аҳурамазда ҳақидаги таълимот кенг акс эттирилган. Бу қисми мил. ав. Олтинчи асрда яшаган Заратуштра (Зардўшт) ижодига мансуб деб тахмин қилинади.
3. қадимий кўп худолик ва кейинги якка худолик ғоялари ўртасидаги кураш шароитида мил. бешинчи асрда ҳар иккаласини келиштирувчи маздасяна (маздаийлик) таълимоти шаклланади ва бу “Авесто” таълимотининг охирги ва асосий қисмини ташкил этади.

Х У Л О С А

Икки аср давомида Авестони ва Зардуштийни ўрганиш борасида хорижлик ва маҳаллий эроншунослар томонидан яратилган тадқиқотлари мукаммал деб бўлмайди. Уларни таҳлил этиш эса жуда қийин. Биринчидан, манбалар тўлиқ эмас. Иккинчидан, иккинчи гуруҳ адабиётлар эса жуда кўп бўлиб, улар қарама-қарши фикрлар билан тўлдириб ташланган. Улар кўпчилиги бизнинг кутубхонларда йўқ. Шундай экан, биринчи навбатда, замонавий авестошуносликнинг аспекти ва муаммоларини ечимини топиш керак. Бунинг учун махсус мутахассисларни эътиборини қаратиш лозим. Авесто тили, жанри ва образлари ҳақида берилган афсонавий ва диний ақидаларидаги маълумотларни ажратиб, тарихий манба сифатида ўрганилиши лозим. Бу масала ҳали эроншуносликда ечилмаган муаммо ҳисобланади. Чунки Авесто тўпламларидан мафкуравий ғоя, ҳатто сиёсий ғоя сифатида фойдаланмоқдалар.

Ушбу тарихшуносликнинг кўриниши яна бир алоқани тасвирлайди. У жаҳон авестошунослигининг ҳолатини, муаммоларини аниқ кўрсатади. Авестони ўрганиш борасида қадимги ва янги хорижий авестошуносликнинг илмий даражаси, анъанаси, мақсади, афсуски, жуда кўп қарама-қарши назария ва қарашлари, тартибга солинмаган, аралаш-қуралаш фикрлар ва шарҳлар кўзга ташланади. Турли мавзу ва услублари ҳам турли бўлган бу тарихшуносликда юзага келган. Бир эроншунос, Ж.Дюшен-Гийемена, Зардуштни қачон ва қаерда яшаганлиги билан қаноатмаслик керак, балки у қадимги эрон тарихининг бир қисми, унинг авлодлари барибир бир жойда яшаб қолмаган⁵³. Албатта, бу жараёни сабабини билиш учун авестошуносликда ягона илмий услуб ва унинг илмий талқинини бўлиши керак. Бундан кўринадики, агностицизмда М. Моле, “Авесто” матнларининг жанри ўзига хос хусусиятлари принцип жиҳатдан тарихий ҳақиқатга имкон бермас.

⁵³ Duchesne-Guillemin J. Iran antique et Zoroastre. Histoire des religions, t.I. Paris, 1970. – p. 626.

Бошқа томондан эса, авестошунослик тузилиши ҳақиқий назариялардан иборатлиги кўринади. Шу боис, икки аср давомида авестошунослар ўзларича “оҳирги сўз”ни айтиш билан овора.

Уларни умумий асослаш қийин, ўз даври учун мос бўлган фактларни баҳолаш ҳам мушкул. Ўз даврида бу маълумотлар юқори баҳоланган. Жумаладан, А. Мейе, Э. Бенвинест, А. Кристенсен, Л.Грей, В. Хейнинг, Дж. Тавадия, П. Тиме, Х. Хумбах, Р. Ценер, М. Моле ва оҳирги йилларда Дж. Ньоли, М. Бойс улар доирасида Ж. Келлен, Ф.Жиньо, Б. Линкольн, Дж. Хишеллес ва бошқалар киради. Уларнинг асарларида Зардушт образи ва Авестонинг мазмун, моҳияти ҳақида нисбатан аниқроқ фикрлар берилган.

Авестошунос олим Л. Лелеков хориждаги авестошуносларнинг тадқиқотлари ва асарларини чуқур таҳлил қилиб илмий хулосалар қилган ҳолда, улардан биттасини ажратиб олинмоғи лозим, деб ёзган. Тарғиботчи Зардушт алоҳида бир шахсдир. У эрон қўлёзма манбаларидаги талқинини илгари суради.

XX аср охирида Жаҳон авестошунослигида ўз ўрнига эга бўлган Л. А. Лелековнинг тадқиқотлари Ўзбекистон тарихининг очилмаган саҳифаларидан бири Қадимги давр ёзма манбашунослиги учун муҳим ҳисобланади. “Авесто” матнларини ўқиш мураккаб ва масъулиятли вазифа бўлганлиги боис ҳозирда бу йўналиш бўйича тадқиқотчилар Ўзбекистонда кам ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Тадқиқот учун методологик асос бўлган асарлар.

- I.1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
- I.2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 31 б.
- I.3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

II. Манбалар.

- II.1. Аъо Ғаёхӣи Аъдоӣеё. Ғаёёаӣаӣи аъаёёаё. Ғ. I. – Ғоёёаӣо: Ғаӣ. 1968.
- II.2. Аъаъаъа. Аъаъаъа ё ёӣаӣа. Аъаъаъа-Ёаӣаӣаъа. Аъаъаъа: Аъаё, 1990.
- II.3. Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001.
- II.4. Авесто. Яшт китоби. М. Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001.

III. Асосий адабиётлар

- III.1. Абдураимов Р., Эгамбердиев Н. Жаннатмаконда яратилган асар // Фан ва турмуш. 2001. 4-сон. – Б. 4.
- III.2. “Аъаъаъ” аъ оӣеӣа ёӣаӣеёо аъаъаъ, оёаъаъ ёёе // “Аъаъаъ” 2700 ёёёёёаъа аъаъаъаъи аъаъаъ ёёе ёӣаъаъаъи аъаъаъаъ. Ғоёёаӣо-Ғаъаъаъ: Ғаӣ, 2001.
- III.3. “Аъаъаъ” ёёоӣаъ – аъаъаъаъ аъ аъаъаъаъаъаъаъ ёё ё, аъ аъаъаъ” аъаъаъаъаъ ёёеё-аъаъаъ аъаъаъ аъаъаъаъаъ. 2000, 6 аъаъаъ. Ғоёёаӣо, 2000.
- III.4. Азизов С. Б. Товушдан куйгача // Соғлом авлод учун. 2003. № 5. – Б. 18-36.
- III.5. Аъаъаъ А. аъаъаъ, аъаъ аъаъаъ аъ аъаъаъ аъаъаъ аъаъаъаъаъаъ // “Аъаъаъ” ёёоӣаъ – аъаъаъаъ аъ аъаъаъаъаъаъаъ ёё ё, аъ аъаъаъ” аъаъаъаъаъ ёёеё-аъаъаъ аъаъаъ аъаъаъаъаъ. 2000, 6 аъаъаъ. Ғоёёаӣо, 2000. – А. 27-33.
- III.6. Асқарова С. сув, тупроқ, олов, хаво // Инсон ва қонун. 2010. 22 июн.

- III.7. Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлар. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.– 32б.
- III.8. Аширов А. “Авесто”да зардуштийликнинг оила-турмуш маросимлари хақида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2002, № 1. – Б. 49-53.
- III.9. Ашуров А. “Авесто”да жамият масалалари // Жамият ва бошқарув. 2005, № 1. – Б. 63-64.
- III.10. Ашуров А. “Авесто”да ҳақиқат талқини // Фалсафа ва ҳуқуқ. 2005, № 2. – Б. 65-66.
- III.11. Аҳмедов А. “Авесто”да давлатни бошқариш усули // “Авесто” – буюк қомусий асар. – Тошкент, 2001. – Б. 7.
- III.12. Бекчанов Ш. “Авесто” зардуштийлик динининг муқаддас китоби // “Авесто” – буюк қомусий асар. – Б. 8-9.
- III.13. Гумилев Л.Н. Тысячелетия вокруг Каспия. – Москва: 1993. – С. 57-61.
- III.14. Дўсимов З.Д., Тиллаева М.Б. Хоразм ономистикасининг шаклланиши ва “Авесто”. – Тошкент: Фан. 2010.
- III.15. Жаббаров И., Дресвянская Г. Духи, святые, боги Средней Азии. – Ташкент., 1993. – С. 53.
- III.16. Жўраева М., Тожибоева Ҳ. “Авесто”, яъни ҳаёт йўриқномаси // Соғлом авлод учун. 2002, № 2. – Б. 26-28.
- III.17. Ирисов А. “Авесто” китоби // Санъат. 1991. 3-сон. – Б. 6-7.
- III.18. Исҳоқов М., Сулаймонов Р. Зардуштранинг ватани ва унинг яшаган даврига оид мулоҳазалар // Ўзбекистон тарихи. 1999. 1-сон. – Б. 45-54.
- III.19. Исҳоқов М. “Авесто”нинг туркий ўзбекча ўғирмасида // Фан ва турмуш. 1993. 3-сон. – Б. 22-23.
- III.20. Исҳоқов М. Эзгуликка йўлловчи китоб // Соғлом авлод учун. 2000. 4-сон. 1996. 5-6 сон. – Б. 42-43.
- III.21. Исҳоқов М. Ахура Мазда ва Митра яштларда баъзи паралеллар // ““Авесто ” – буюк қомусий асар”. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2001.
- III.22. Исҳоқов М. Авесто китоби ва таълим тизими // Маърифат 2002. № 1.

- III.23. Ильин Г.Ф., Дьяконов И.М. Индия, Средняя Азия и Иран в первой половине I-тысячелетия вокруг до н. э. // История Древнего мира. I-том. – Москва: 1983.
- III.24. Йўлдошев Р. “Авесто” ёзуви ва тили // “Авесто” – буюк қомусий асар. – Тошкент, 2001.
- III.25. Карим Тохир. Муқаддас “Авесто” изидан. – Тошкент: Чўлпон, 2000. 176 б.
- III.26. Карим Тохир. Авестошуносликнинг тарихий босқичлари // Тафаккур. 2002, № 3. – Б. 86-93.
- III.27. Каримов И. Миллий истиқлол ғоясининг Авестодаги фалсафий илдиэлари // Шарқ Юлдузи. 2001. № 4. – Б. 119-120.
- III.28. Кузнецов Б.И. Древний Иран и Тибет (историко-религиозные Бон). Интернет сайт WWW.philosophy.ru./library/lib7.htm.
- III.29. Лелеков Л.А. Авеста в современной науке. – М.: 1992.э
- III.30. Лелеков Л.А. К истолкованию погребального обряда в Тагискене // Сов. Этнография. 1972, 1. – 128-131.
- III.31. Лелеков Л.А. К оценке исторических судеб зороастризма в Средней Азии I тыс. до. н. э. // Тез.докл.сессии, посвященной итогам полевых археологических исследований 1972 г., в СССР. Ташкент, ИА. АН УзССР, 1973. – С. 114-116.
- III.32. Лелеков Л.А. Отражение некоторых мифологических воззрений в архитектуре восточноиранских народов в первое половине I тыс. до. н.э. // История и культура народов Средней Азии. – М., 1976. – С. 7-18.
- III.33. Лелеков Л.А. Современное состояние и тенденции зарубежной авестологии // Народы Азии и Африки. 1978, 1. – С. 208-213.
- III.34. Лелеков Л.А. Ранние формы иранского эпоса // Народы Азии и Африки. 1979, 3. – С. 173-178.
- III.35. Лелеков Л.А. Реалии Михр-яшта // Тез.докл. Всесоюзного науч.совещания «Античная культура Средней Азии и Казахстана». – Ташкент, ИА АН УзССР, 1979. – С. 61-63. I

- II.36. Лелеков Л.А. Индоиранская идеология между первобытностью и раннеклассовым обществом // Идеологические представления древнейших обществ: Тез.докл. М., ИА АН СССР, 1980. – С. 117-119.
- III.37. Лелеков Л.А., Брагинский И.С. Иранская мифология // Мифы народов мира. Т. I. – М., 1980. – С. 560-564.
- III.38. Лелеков Л.А. (серия словарных статей): Ажи-Дахака; Айрьяман; Амеретат; Амеша-Спента; Ангро-Майнью; Арштат; Атар; Ахурамазда; Ахуры; Аши; Вайю; Вара; Виштаспа; Гайомарт; Заратуштра; Йима; Кави; Кави Усан; Кангха; Каршиптар; Кейяниды // Мифы народов мира. Т. I. – М., 1980.
- III.39. Лелеков Л.А. (серия словарных статей): Мартйа и Мартйанаг; Найрьо-Сангха; Насу; Парадата; Парадиз; Паренди; Пишдади; Рангха; Рашиу; Саошьянт; Симарг; Сиаваршан; Спандармат; Спента-Майнью; Спентодата; Сраоша; Тваша; Тиштрия; Фраваша; Франграсьян; Хусрава; Чинват; Язаты // Мифы народов мира. Т. II. – М., 1982.
- III.40. Лелеков Л.А. Проблема индоиранских аналогий к явлениям скифской культуры // Скифо-сибирское культурно-историческое единство Кемерово, КемГУ, 1980. – С. 118-125.
- III.41. Лелеков Л.А. Изучение Авесты в шведской ориенталистике // Народы Азии и Африки. 1982, 4. – С. 166-175.
- III.42. Лелеков Л.А. К новейшему решению индоиранской проблемы // Вопросы Древней Истории. 1982, 3. – С. 31-37.
- III.43. Лелеков Л.А. Афганистан на путях индоиранских миграции // Проблемы культуры и искусства Афганистана: Тез.докл. – М., ГМИНВ, 1982. – С. 12-14.
- III.44. Лелеков Л.А. Вопросы истории Бактрии в свете данных Михр-Яшта // Информ. Бюлл. МАИКЦА. Вып.3. – М.: Наука, 1982. – С. 35-41.
- III.45. Матниёзов М. “Авесто” қачон ва қерда яратилган? // “Авесто” – буюқ қомусий асар. – Тошкент, 2001. – Б. 22-23.

- III.46. Маҳмудов А. Авестодаги ахлоқият // Халқ таълими. 2002. № 6. – Б. 71-73.
- III.47. Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида // Гулистон. 1994. 4-сон, – Б. 24-32: Гулистон. 1994. 5-сон. – Б. 40-47.
- III.48. Низомов Ф.С. “Авесто”да ҳуқуқий қадриятларни намоён бўлиш шакллари таҳлили // Ҳуқуқ. 2003. № 1. – Б. 68-71.
- III.49. Сафарбоев М. “Авесто”да олам ва одам талқини // Тафаккур. 2002, № 2. – Б. 92-98.
- III.50. Словарь иностранных слов. – М.,: Русский язык, 1979. – 185 с.
- III.51. Толстов С.П. Хоразм маданиятини излаб. – Тошкент: Фан, 1964. – 156 б.
- III.52. Умарзода Муҳсин. “Авесто” сирлари // Жаҳон адабиёти. 1997. 4-сон. – Б. 147-150.
- III.53. Усмонов М. “Авесто”да инсон мадҳи // Мулоқот. 2001. № 3. – Б. 42-43.
- III.54. Ҳамидов Ҳ. “Авесто” файзлари. – Тошкент: Мерос, 2001. – 102 б.
- III.55. Ҳамидов Ҳ. “Авесто”нинг илмий ва адабий қиммати // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000. 3-сон. – Б. 7-15.
- III.56. Ҳамидов Ҳ. Авестодан Шоҳномага. – Т.: Шарқ, 2007. – 320 б.
- III.57. Ҳамидов Ҳ. “Авесто”да табобат // Соғлом авлод учун. 2000. 9-10 сон. – Б. 34-36.
- III.58. Хусаинов А. Ўтмиш маданияти – тараққиёт омили. – Наманган, 2001. 32 б.
- III.59. Хўжамуродов И. Ибратли ўғитлар (Авестодаги атроф муҳитни, табиатни пок сақлаш борасидаги ибратли кўрсатмалар) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2003, № 1. – Б. 3. – Б. 36-38.
- III.60. Ўролов А. “Авесто” даври маънавий марказлари ва шифохоналари // Мозийдан садо. 2004. № 9. – Б. 32-33.
- III.61. Қаямов А. Қадимги ёзма ёдгориклар. – Тошкент, 2000.
- III.62. Қодиров М. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. – Тошкент: Фан, 1993.

- III.63. Қодиров М. Зардуштийлик ва томоша санъати // Гулистон. 2000. 4-сон. – Б. 36-37.
- III.64. Қорабоев У. “Авесто”да маданият илдизлари // Тафаккур. 2002. № 1. – Б. 98-105.
- III.65. Шайдуллаев Ш. “Авесто”да илк давлатчилик // Жамият ва Бошқарув. 2004, № 4. – Б. 42-43.

Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти
“Марказий Осиё халқлари тарихи” кафедраси IV курс бакалаври
Раджабова Дилоромнинг ”Авестошуносликнинг XX аср охирларидаги
ҳолатига танқидий тарихшунослик баҳоси (Л.А. Лелеков илмий ижоди
асосида)” номли битирув малакавий ишига

Тавсиянома

Раджабова Дилоромнинг ”Авестошуносликнинг XX аср охирларидаги ҳолатига танқидий тарихшунослик баҳоси (Л.А. Лелеков илмий ижоди асосида)” номли битирув малакавий ишни ёзишни мақсад қилиб қўйган. Ушбу мавзу ўта долзарблиги билан ажралиб туради, чунки мустақилликка эришганимиздан сўнг тарихимизни қайта тиклаш, миллий ўзликни англаш жуда кучаймоқда. Мавзунини ўрганишда талаба битирув малакавий иш доирасида қўйилган мақсад ва вазифаларни манбалар асосида очиб беришга ҳаракат қилган.

Талаба ўзининг малакавий ишида мавзунини ўрганишда муҳим маълумотларни тўплаган ва манбалардан унумли фойдаланган. Талаба битирув малакавий иш доирасида ўз олдига қўйган мақсадга илмий асосланган тарзда ёндашган. Битирув малакавий ишда жуда кўп қизиқарли маълумотлар мавжуд.

Ҳар бир ишда бўлгани каби ушбу битирув малакавий ишда ҳам айрим техник ва орфографик хатолар учраб туради. Иш доирасида қўйилган мавзу бугунги кунда Авестошуносликда энг қийин масалалардан бўлганлиги боис талаба мавзунини тўлиқ қамраб олаолмаган. Бу ишнинг илмий савиясига умуман таъсир қилмайди. Иш адабиётлардан унумли фойдаланилган ҳолда ёзилган бўлиб бакалаврлик илмий даражасини олиш учун етарли даражада таҳлил қилиб ёзилган деб ҳисоблаймиз. Ҳимоя қилишга ва яхши баҳолашга муносиб иш деб ўйлаймиз.

Илмий раҳбар

Ш.Жўраев

Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти
“Марказий Осиё халқлари тарихи” кафедраси IV курс бакалаври
Раджабова Дилоромнинг ”Авестошуносликнинг XX аср охирларидаги
ҳолатига танқидий тарихшунослик баҳоси (Л.А. Лелеков илмий ижоди
асосида)” номли битирув малакавий ишига
Такриз

Раджабова Дилоромнинг ”Авестошуносликнинг XX аср охирларидаги ҳолатига танқидий тарихшунослик баҳоси (Л.А. Лелеков илмий ижоди асосида)” мавзусидаги битирув малакавий иши тамомланган иш ҳисобланиб, битирув малакавий иш талабларига мос келади.

Талаба битирув малакавий иши доирасида ўз олдида қўйган мақсадга илмий асосланган тарзда ёндашган. Ишнинг биринчи бобида XX аср охирларида Авестошуносликнинг ҳолати ва муаммолари ҳақида фикр юритиб қизиқарли маълумотлар бериб ўтган. Иккинчи бобда XX аср охирларидаги Авестошуносликка танқидий баҳо ва қарашлар, Л.А. Лелековнинг Авестошуносликнинг XX асрдаги ҳолатига танқидий баҳоси таҳлил қилинган

Ҳар бир ишда бўлгани каби ушбу битирув малакавий ишда ҳам айрим техник ва орфографик хатолар учраб туради. Бу ишнинг илмий савиясига умуман таъсир қилмайди. Иш адабиётлардан унумли фойдаланилган ҳолда ёзилган бўлиб бакалаврлик илмий даражасини олиш учун етарли даражада таҳлил қилиб ёзилган деб ҳисоблаймиз.

Малакавий иш талаблари даражасида Раджабова Дилором малакавий ишини ижобий баҳолаш мумкин деб ҳисоблаймиз. Камчиликлари ҳақида айтиш мумкинки,

1. Илмий адабиёт рўйхати тўлиқ бўлса иш кўлами талабига мос бўларди.
2. Имловий хатолар учрайди.

Бу камчиликлар жузъий, умуман ушбу малакавий ишни ижобий баҳолайман.

Илмий тақризчи

